

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ” ФАКУЛЬТЕТИ “МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ
МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ”
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

“МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА БОШҚАРИШ” КАФЕДРАСИ

“ГЛОБАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА
ОММАВИЙ МАДАНИЯТ МУАММОСИ”

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Битирув малакавий иш
кафедрада дастлабки ҳимоядан
ўтди”

“Маданият ва санъат
муассасаларини ташкил этиш ва
бошқариш” кафедрасининг _____ -
сонли йиғилиш баённомаси

“ _____ ” _____ 2016 йил

Кафедра мудири

Катта ўқитувчи: Шодиев Х.Х

Бажарди: “Маданият ва санъат
муассасаларини ташкил этиш ва
бошқариш” таълим йўналиши
битирувчиси **Мирзахмедов Элдор
Анварович**

Илмий раҳбар:

Юсупалиева Д.К.

Тошкент – 2016

Мундарижа:

Кириш.....

I Боб. Глобал цивилизация ва “оммавий маданият”

I.1. “Глобал цивилизация” атамаси ва унинг илмий-фалсафий таҳлили.....

I.2. “Оммавий маданият” тушунчаси ва ёшлар маънавиятига салбий таъсири

II Боб. Глобал цивилизавий ўзгаришлар шароитида оммавий маданият кўринишлари ва белгилари

II.1. “Оммавий маданият” кўринишидаги ғоявий таҳдидлар: тушунча ва моҳият.....

II.2. Глобал цивилизацивий ўзгаришлар шароитида ғоявий таҳдидларнинг инсониятга хавфини ўрганиш

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, XX1 аср бошларида глобал цивилизациявий асосий ижтимоий жараёнлардан бирига айланди. Глобал цивилизациявий ўзгаришлар шароитида “оммавий маданият”нинг миллий маданиятларга салбий таъсири ўсиб бормоқда. Ҳозирги даврда бу жараён ўз таъсир доирасига барча ижтимоий субъектларни тортмоқда.

Глобал-цивилизациявий жараёни шиддат билан анъанавий тарзда ҳаёт кечирувчи элатлар ва миллатларнинг ҳам турмуш тарзини ўзгартириб юбораётгани аниқ. Ўзбекистон ҳам бу жараённинг таъсиридан мустасно эмас. Шу нуқтаи назардан глобал-цивилизациявий ўзгаришлар шароитида “оммавий маданият” муаммоларини ўрганиш, унинг моҳияти, хусусиятлари ва зиддиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу жараённинг таъсири ва оқибатлари қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги масалаларини ўрганиш бугунги кунда ижтимоий фанларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Маънавиятни бир уйга тўпланган бойликка ўхшатсак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёш ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимия чораларини кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим.

Муаммонинг урганилганлик даражаси.

Мавзуга оид чоп этилган адабиётларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. “Глобал цивилизациявий” тушунчасига оид адабиётлар таҳлили
2. “Оммавий маданият”нинг салбий таъсири ҳақида адабиётлар таҳлили

Р.И.Галушко ғарб телевидениясининг салбий таъсирини тўғри танқид қилган ва “Ғарб оммавий маданияти миллий ўзига хосликларни сийқалаштирмоқда”¹, деб эътироф этган. Ҳақиқатан ҳам, глобал-цивилизациявий жараёнлари Ғарб оммавий маданиятини тез тарқалишига

¹ Галушко Р.И. Западное телевидение и “массовая культура”. – Москва: Изд-во Моск.ун-та, 1991. – С.12.

олиб келмоқда. Шунинг учун Ўзбекистонлик олимлар ҳам ушбу муаммони халқимиз маданиятини асраш ва ривожлантириш концепцияси нуктаи назаридан тадқиқ этишлари даркор.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқотнинг асосий объекти глобал-цивилизациявий-цивилизациявий ўзгаришлар жараёни ҳисобланади. Ушбу жараёнда “оммавий маданият” муаммосининг ўрни ва ролини ўрганиш тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади глобал-цивилизациявий-цивилизациявий ўзгаришлар жараёнида “Оммавий маданият”нинг ўрни, унинг ёшлар маънавиятига салбий таъсири ўрганиш ҳисобланади. Ана шу мақсадни амалга ошириш режасидан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- “Глобал цивилизация” атамаси ва унинг илмий-фалсафий таҳлил қилиш;
- “Оммавий маданият” тушунчаси ва унинг маънавий ҳаётга салбий таъсирини ўрганиш;
- “Оммавий маданият” кўринишлари ва зиддиятларини тадқиқ қилиш;
- Глобал цивилизациявий ўзгаришлар жараёнини ўзбек халқи маданиятига салбий таъсири масаласини очиқ бериш;
- Глобал цивилизациявий жараёни туфайли кириб келаётган “янгича маросимлар” ва уларнинг ёшлар маънавиятига салбий таъсирининг мазмун моҳиятини таҳлил қилиш;
- Юқоридагилардан келиб чиқиб илмий назарий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. БМИда диалектик таҳлил, кузатиш, илмий билишлик, тарихийлик, мантиқийлик, объективлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, ворисийлик, умумлаштириш каби усулларига таянилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг назарий ва манбавий асослари Президент И.А. Каримовнинг миллий маданияти, маънавият ва миллий истиқлол мафкурасига бағишланган асарларидаги кўрсатмалари ва Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг миллий маънавиятимизни шакллантиришга оид қарорларида баён этилган ворисийлик ва тадқиқот олиб боришда ягона объектив усулдан фойдаланиш ҳам белгилаб берди.

Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотининг натижаси “оммавий маданият” кўринишидаги ғоявий таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг методологик жиҳатлари, маънавий-ахлоқий, ғоявий-фалсафий таҳлиliga доир ёндашувни ўз ҳажми доирасида аниқлаштириб беради. БМИнинг асосий методологик жиҳати бугунги кунда баркамол авлодни вояга етказишда “оммавий маданият” кўринишидаги ғоявий таҳдидларга қарши кураш борасида назарий таклифлар беради. БМИдаги фикр ва мулоҳазалар турли хил илмий методик ишларда миллий истиқлол ғояси, ғоялар фалсафаси, маънавият асослари соҳаларига оид ўқув курслари ҳамда миллий маданият ва миллий ғоя тарғиботининг барча йўналишлари кўшимча манба сифатида фойдаланиши мумкин.

БМИ таркибининг қисқача тавсифи. Кириш, тўртта параграфдан тузилга иккита боб, Хулоса ва Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. Глобал цивилизация ва “оммавий маданият”

I.1. “Глобал цивилизация” атамаси ва унинг илмий-фалсафий таҳлили

“Глобал цивилизациявий” га XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида “Маънавият: асосий тушунчалар” изохли луғатида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тадбирлар, мамлакатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши, мураккаблашуви, жаҳон миқёсида ахборот маконининг кенгайиб бориши, атроф-муҳитга техноген таъсирининг кучайиши, “оммавий маданият” намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар ҳавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунча сифатида таъриф берилади. Ушбу таъриф 1983 йили америкалик олим Т. Левиттнинг “Garvard biznesrevyu” журналида чоп этилган мақоласида илк мартаба берилган.

Айрим ҳолатларда глобал-цивилизациявий дунёнинг тобора бир бирига яқинлашуви, бирлашуви тарзда талқин этилса, бошқа ҳолатларда у кишилар тўғрисидаги ўзаро алоқаларнинг жадаллашиши сифатида ўрганилади. Глобал цивилизациявий хусусида фикр юритган юртбошимиз эса бу ҳақида куйидагиларни ёзади: “бугунги ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат аниқ ва узоқ қўшнилар, балки, жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва худудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Шу маънода, глобал цивилизациявий – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”². Тадқиқотчи Б. Умаров ўзининг “Глобал цивилизациявий зиддиятлари” деб номланган рисоласида: “Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбишга келтирадиган поп ва рок-муסיқага маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз қўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор муסיқавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз Ғарб эстрадасининг “юлдуз”ларинигина эмас, ҳатто “юлдуз”чаларининг ҳам исми-шарифи, ҳаётий кечинмаларини беш қўлдай билади, аммо “Шашмақом”дан биргина

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.3.

куйнинг номини сўрасангиз ёхуд Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий каби улўғ аждодларимиз жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз, ер чизиб тураверади. Афсуски, маданий ҳаётдаги айрим ноқисликлар, хусусан, театрларимизда қўйилаётган спектакллар савиясини талаб даражасида эмаслиги, миллий этрадимизда ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани ҳам ёшлар тарбиясига ижодбий таъсир этади, деб бўлмайди”³. Рус олими Л.Е. Грининнинг фикрича, “Глобал цивилизациявий – минтақалар ва умуман жаҳоннинг интеграцияси ва яқинлашувининг натижасидир”⁴. У глобал цивилизацияга жараён сифатида қарайди ва унга қуйидаги таърифни беради: “Глобал цивилизациявий – бу жараён, унинг натижасида дунё ўзининг барча субъектларига янада алоқадор ва яна ҳам боғлиқ бўлади”⁵. Рус олимларидан яна бир профессор А.Г. Косиченко ҳам глобал-цивилизациявийга жараён сифатида қарайди. У шундай ёзади: “Глобал-цивилизациявий кўп ўлчамли жараён, у ўз таъсир доирасига турли усул ва воситалар билан барча соҳаларни қамраб олади”. Айни пайтда унинг фикрича, “иқтисодиётнинг ўзига хос ҳукмронлик таъсири бугун жаҳон ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлмоқда”. 2006 йилда “Глобал-цивилизациявий” тушунчаси ва унинг турли соҳаларга ўтказаетган таъсирини аниқлашга бағишланган жаҳоннинг етакчи олимлари ҳамкорлигида “глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь” тайёрланиб эълон қилинди. Унда глобал-цивилизациявий тушунчасига олимлар турлича таъриф берганлар ва унинг таъсир доирасини аниқлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, америкалик олим Т. Фридман бу ҳақда шундай таъкидлайди: “глобал-цивилизациявий – бу

³ Умаров Б. Глобал-цивилизациявий зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Тошкент Маънавият, 2006. – Б. 9.1

⁴ Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет. История и современность. № 1. – Москва: 2005. – С. 8-11.

⁵ Каранг: Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет. История и современность. № 1. – Москва: 2005. – С. 8-11.

“совуқ уруш тизимини” алмаштирган янги тизим”⁶. Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, иқтисодиётда кечаётган глобал-цивилизациявий жамият, мамлакат ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Шу билан бирга, уни ўз даврида жаҳонни ларзага солган ва бутун инсониятга ҳавф туғдирган “совуқ уруш” билан тенглаштирган муаллифлар ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам, юқорида муаллифлар томонидан илгари сурилаётган фикрларда глобал-цивилизациявийнинг иқтисодиётга, сиёсатга ва жаҳон миқёсидаги жараёнларга ўтказаетган таъсири кенг қамровли эканлиги кўрсатиб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий маданиятшунослик фанида глобал-цивилизациявий шароитида маданиятларнинг ўзаро алоқадорлиги демократия, плюрализм, толерантлик принципларига асосланиши кераклиги татбиқ қилинмоқда⁷. Бу эса бугунги мураккаб давр ва турли маданиятлар мулоқоти шароитида ҳар бир миллий-этник маданият ўзлигини сақлаб қолиши зарурлигини келтириб чиқармоқда. Шу ўринда Георгий Гачев фикрларига қўшилиш ўринли: “Жаҳон тарихи ривожиди халқларнинг яқинлашуви содир бўлди, маиший ҳаётда (телевидение, авто...) ва тафаккурда (фандаги интернационализм ва математизация, кампьютерлар....) бир-хиллилик бўлса-да, ҳар бир халқ ўз моҳиятида табиати, миллий озуқаси, этник типи, тили билан озикланиб, фикр юритар экан ўзлиги билан қолаверади. ... миллий маданиятлар дарахтлар каби асрлар, мингйилликлар давомида ўсаверадилар⁸”. Зотан, Гачев фикрича, ҳар бир халқ ўз тарихи давомида вертикал йўналишда ўз замини табиати билан мулоқотда бўлади, шу билан бирга, горизантал йўналишда у турли мамлакат ва халқлар билан алоқага киришади, бу савдо муносабатлари, урушлар, дипломатик ва маданий алоқаларда намоён бўлади. Агар халқ айро яшаса, ўзлигини англаш имкониятига эга бўлмайди⁹.

⁶ Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь. – Москва-Санкт-Петербург-Нью-Йорк, 2006. – С. 163.

⁷ Теория культуры. – СПб., 2010. – С. 341.

⁸ Гачев Г. Ментальность народов мира. – Москва., 2008. – С. 32-33.

⁹ Ўша асар. – С. 31.

Глобал цивилизациявийнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”¹⁰.

Глобал цивилизациявий ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Глобал цивилизациявий жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганлигининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилари, балки жаҳон миқёсидаги бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобал-цивилизациявий – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”¹¹ – деб таъкидлайди.

Глобал цивилизациявий дунё ҳамжамияти ҳаётини, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларни белгилаб берувчи етакчи омилга айланмоқда ва алоҳида олинган давлат ва ҳудудлар ички сиёсатидан таркиб топган умумдунёвий шароит билан мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Глобал цивилизациявий ялпи, комплекс табиат касб этиб, унинг таъсири ахборот соҳасига, маънавият соҳасига, сиёсатга, иқтисодга, социал соҳаларга ёйила бошлади. Глобал цивилизациявий тобора кучайиб бораётган тўфонга ўхшаб бормоқда. У янги-янги ҳудудлар ва давлатларни, янги фаолият соҳалари ва муносабатларини ўзига қаратмоқда. Дунё миқёсида

¹⁰Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. – Тошкент: Академия, 2005. – Б.81.

¹¹Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.111.

кузатилаётган ва интеграцион жараёнларда ўз ифодасини топаётган глобал-цивилизациявий инсон ҳаётининг барча жиҳатларига таъсир қилмоқда. Глобал цивилизациявий таъсирида иқтисодиётда ҳам, сиёсий муносабатларда ҳам, ижтимоий-маданий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Глобал-цивилизациявий тушунчасининг ягона, умуммақбул қилинган таърифи бўлмаса-да, бу ходисани турлича талқин қилувчи кўп сонли назарий ёндашувлар мавжуд. Одатда, глобал цивилизациявий деганда, дунё миқёсида ягона молиявий макон ва ахборот майдонининг шаклланиш жараёни тушунилади.

Ҳозир цивилизациянинг барча йўналишлари бўйича глобал-цивилизациявий оқибатида юз бераётганлигини олимлар ва сиёсий арбоблар ўртасида шубҳа уйғотмайди. Бироқ ушбу жараёнларнинг ривожланишига асос бўлаётган сабаблар масаласида турли хил тахминлар, қарашлар мавжуд. Ҳозирги адабиётларда глобал-цивилизациявий мураккаб, жаҳон ҳамжамияти ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олувчи жараён сифатида баҳоланмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиб, тамаддуннинг мазмун-моҳияти, давлатлар ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларининг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозорида тамоман янги вазият вужудга келиши, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб бориши, жамият ҳаётининг барча соҳалари, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, маданият, ҳатто шахсий турмуш тарзини ҳам глобал-цивилизациявий жараёни билан боғлашмоқда. Юқорида таъкидланганидек глобал-цивилизациявий жараёнлари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожининг барча жабҳаларини қамраб олиб, унинг кўринишлари инсон ҳаётининг турли соҳаларига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Глобал цивилизациявий жараёнлари жамият ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг ўзгариши ва ривожланишига олиб келаётганлигини кўрсатмоқда, жумладан:

- технология соҳасида дунё миқёсида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни моноплаштирувчи молиявий жараёнларни келтириб чиқараётганлиги, халқаро майдонда молиявий компьютер тармоғи орқали дунёнинг бир бурчагидан бошқасига исталган миқдорда маблағнинг ўтказилиши, халқаро майдонда рақобатни ривожлантирувчи метатехнологияларнинг ривожланиши (космик йўлдош, компьютер, уяли телефон, интернет ва ҳ.к.) билан белгиланиши;

- экология соҳасида, иқтисодиётнинг ривожини учун ер ресурслари (энергетик ва хом ашё захиралари)дан фойдаланиш, бунинг эвазига инсоният ҳаётига хавф туғдираётган табиат ва атроф-муҳит ҳолатининг кескин ёмонлашуви, биосферага техноген таъсирларнинг кучайиши, жонивор ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетиши;

- иқтисодиёт соҳасида, дунё миқёсида трансмилий корпорацияларнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдо ва хизматларнинг жадаллашуви;

- маданий соҳада, оммавий маданиятнинг ривожланиши, айниқса, мусиқа, кино, театр, шоу-кўрсатувлар, кийиниш, оммавий-ахборот воситалари фаолиятларининг бир хиллашуви, турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши туфайли маданиятлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва янги замонавий анъаналарнинг шаклланиши ва ҳ.к.лар.

Халқаро муносабатларнинг глобал-цивилизациявийи муаммоси аста-секин энг юксак даражаларда ўтадиган кўплаб икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларда энг асосий муаммо сифатида баҳолана бошланди. Шу жиҳатдан қараганда, "катта саккизлик" мамлакатлари раҳбарларининг 1999 йил ёзда Германиянинг Кёльн шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви Якуний коммуникесининг иккинчи банди диққатни жалб этади. Мазкур ҳужжатда глобал-цивилизациявий жараёнининг қуйидаги хусусиятлари қайд этилган:

- глобал цивилизациявий ғоялар, капитал, техника ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб оқишининг жадаллашиб ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланиши;

- глобал цивилизациявий айрим жамиятлардаги турли халқларни ниҳоятда яқинлаштирадиган оммавий маданият туфайли юзага келган туб ўзгаришлар билан боғлиқ;

- глобал цивилизациявий борган сари кучайиб бораётган демократик жараёнлар натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражаси юксалиб боришига ва қашшоқлик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит деб қаралиши;

- глобал цивилизациявий ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш ва имкониятларни кенгайтириш ҳамда иқтисодиётни ўстириш эвазига қўшимча иш жойларини яратадиган интеграцион жараёнларнинг янги шакли сифатида қаралиши;

- глобал цивилизациявий ахборот соҳасидаги инқилоб билан чамбарчас боғлиқлиги;

- глобал цивилизациявий турли маданиятлар ва қадриятлар тизимлари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг кучайиб боришига замин ҳозирлаб, дунё миқёсида демократик жамият қуриш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг кафолатини шакллантириш тамойилида ўз ифодасини топиши;

- глобал цивилизациявий айрим одамлар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий муносабатлар билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян таҳдидларга эга бўлишдан иборат.

Глобал цивилизациявий жараёнининг **ижобий жиҳатларига** қуйидагиларни келтириш мумкин:

- давлатлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайганлиги, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларнинг ортиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизида уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши;

- глобал коммуникация тармоғининг вужудга келганлиги, ахборотлар алмашинувининг тезлашуви инсон манфаатлари учун ижтимоий-иқтисодий

соҳаларда ихтиро ва тадқиқотларни юқори суръатлар билан ўсишига олиб келди, ёки бу ҳам жамиятнинг глобал ахборотлашуви илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ўзагини ташкил этмоқда;

- иқтисодий глобал-цивилизациявий, турли давлатларда, қўшимча иш ўринларининг яратилиши, трансмиллий корпорациялар ҳудудларга тез кириб келиши билан хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ҳамда бугунги кунда маҳаллий бизнесга жиддий қўшимча бўлиб, минглаб одамларни иш билан таъминлаш ва шу орқали ижтимоий муаммолар ҳал этилади ;

- тамаддуний тараққиёт имкониятларини кенгайтирадиган жиҳатлари каторида инсоният ҳаёт фаолиятининг ўта муҳим тармоқларида халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи турли халқаро тизимларнинг пайдо бўлиши, тамаддуний муаммоларни ҳал этиш, мамлакатларнинг умумжаҳон тартибот асосида ягона ҳамжамиятига интеграциялашув имконини беради. (БМТ, ЮНЕСКО, МАГАТЭ, Интерпол, ШХТ, Жаҳон банки каби ташкилотлар фаолиятлари).

Барча масалаларнинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонлари ҳам бўлгани каби глобал-цивилизациявийнинг **салбий жиҳатлари** куйидагиларда ифодаланади :

- глобал цивилизациявий шароитидаги ахборот алмашувининг тезлашиши ва эркинлашиши (Интернет, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш натижасида) ёшларни шакллантирувчи жамиятнинг маданий-маънавий соҳаларига таъсир ўтказиб, улардаги муайян ўзгаришларга олиб келади, уларнинг маънавий-ахлоқий, психологик қиёфасига жиддий таъсир ўтказиб ёшларнинг ватанга, ота-онага бўлган муҳаббат оила муқаддаслиги ҳамда катталарга бўлган ҳурмат хис-туйғуларнинг йўқолишига олиб келиши;

- умумтамаддуний глобал цивилизациявий жамиятнинг маданий-маънавий соҳаларга таъсир ўтказиб, улардан муайян ўзгаришларга олиб келади, миллий анъанавий ва қадриятларнинг йўқолиб кетишига миллий маданиятларнинг кам сонли халқларнинг ўз тилини унутиши, ҳаттоки йўқолиб кетиши ҳолатларини юзага келтириши ;

- глобал цивилизациявий жараёни ва уларнинг йўналишларидан бири бўлган “оммавий маданият” таъсирида содир бўладиган кадриятлар тизимидаги туб ўзгаришлар “ижтимоий мавжудот” бўлган инсондаги ўзгаришларга “оммавий маданият” кишига инсонийлик, шахс мартабасини берадиган миллий маданият ва маънавиятидан, тарихий хотирасидан махрум этишига олиб келиши;

- глобал цивилизациявий жараёнларининг муайян хусусиятлари таъсирида содир булаётган ижтимоий ва индивидуал онгдаги деструктив ўзгаришларнинг кайд этилиши, бу ҳолат индивидуалистик кайфиятнинг авж олиши, инсонпарварлик тамойилларининг емирилиши, ҳаётий мақсад ва тасавурларнинг бузилишида намоён бўлмоқда ;

- етакчиликка даъвогар мафкураларнинг ривожини, халқаро ташкилотлар сонининг тез суръатлар билан ўсиши, манфаатлар йўлида жаҳон бозорини эгаллаш, хом ашё ва энергия захираларидан фойдаланиш учун бутун дунёда демократик бошқарув тамойиллари ниқоби остида уни жорий этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки терроризмга қарши кураш ниқоби остидаги хом-ашё захираларига бой ҳудудларга таъсир ўтказиш, бунинг оқибатида иқтисодий ўсишни кўзлаб даромад орқасидан кувиш, натижадаги табиатга техногин таъсирининг ортишига олиб келмоқда.

Глобалцивилизациявий жараёнини ўрганиш жараёнида қуйидаги ҳулосаларга келинди. Глобал-цивилизациявий жараёни ривожланган ғарб давлатлари турмуш тарзини киритиш, дунё халқларини ғарблаштиришга интилишда намоён бўлмоқда. Табиийки ғарблаштириш халқларнинг ўзига хослиги, миллий хусусиятларига, маданий анъаналарига путур етказди.

Ёшларга кучли таъсир кўрсатадиган ғарб маданиятидаги фильмлар оммавий ахборот воситалари орқали истаган фикрни, кадрият ва кўрсатмаларни сингдириш ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса тез ривожланаётган Интернет орқали сингдириш имкониятлари катта. Боз устига Интернет виртуал воқеликни шакиллантириб, ундан фойдаланувчиларда маданиятнинг янги кўриниши – “кибермаданият”ни

қарор топдирмоқда. Виртуал воқелик ва кибермаданият, ўз навбатида, кишиларнинг феъл-атворини осонликча дастурлаштириш имкониятини бермоқда .

Глобал цивилизациявий давлатларнинг суверенитетига ҳам жиддий таҳдид солади. Бу борада, олимлар Н.Умарова ва У.Исломбековлар куйидаги фикрларни билдиради : “...глобал-цивилизациявийни неокolonизм ғояси билан айнан бир нарса деб ҳисоблайдиганларнинг фикрига кулоқ солиш лозим. Глобал неокolonизмнинг уч ўзаро боғлиқ мақсадлари бор: дунё устидан гегемония, жаҳон ресурсларига эгалик қилиш ва жаҳон бозорларида ҳукмронлик қилиш. Бу мақсадларга эришиш учун тенги йўқ куч-қудрат ва етишиб бўлмайдиган технологик етакчилик зарур. Глобал неокolonизм бир қатор стратегик вазибаларни ўз ичига олади. Мустақил давлатлар доирасидаги дезинтеграция жараёнларини рағбатлантириш, очиқлик шиори остида уларнинг иқтисодларни издан чиқариш ва мамлакатларнинг суверенитетини емириш каби вазибалар шулар жумласидандир”¹².

Айтиш мумкинки, глобаллушув мустақил давлатларнинг заифлашувига олиб келади. Ана шундай таҳликали шароитда миллий мафкура Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш, маданий хосликни асраш ва одамларни ахборот ҳужжатларидан ҳимояланишнинг энг мақбул воситаси сифатида намоён булади .

Ҳозирги кунда глобал-цивилизациявий жараёнлари жамият тараққиётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказиб келаётганлиги, қолаверса, у ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини ривожлантириши учун кенг имкониятларини яратилаётгани билан, ҳар бир ижтимоий ходисанинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, глобал-цивилизациявий жараёнларини ҳам салбий ва ижобий жиҳатлари аниқ кўриниб қолганлигини айтиш мумкин . Ҳозирги пайтда глобал-цивилизациявийнинг ўткир ва кенг қамровли таъсирини барча соҳаларда

¹²Умарова Н., Исломбеков У. Миллий ғоя тарғиботида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини қўллаш. – Тошкент: Академия, 2005. – Б.39.

намоён бўлаётганлиги, айниқса, бу давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик масалаларининг кучайиши, хорижий инвестицияларнинг тез кириб келиши, капитал ва товарлар, ишчи ўринларининг яратилиши унда ишчи кучининг эркин қулайликларнинг вужудга келиши, замонавий ахборот технология ва коммуникациянинг, илм-фан ютуқларининг тез тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизида уйғунлашуви, бу имкониятларнинг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобал-цивилизациявий таъсири натижасида эришилмоқда. Глобал-цивилизациявий жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказлар мафаатига хизмат қилаётганини кузатиш мумкин.

Ана шу ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланилмоқда .

Инсон фаолияти доимо бирон-бир мақсадга қаратилган ва муайян бир мазмун-маъно билан суғорилган бўлади. Зеро, агар одамларни бирлаштириб, уларни қудратли кучга айлантирувчи юксак мақсадлар бўлмаганида эди, инсоният аллақачон маънавий таназзулга юз тутган бўлур эди. Шу боис, глобал-цивилизациявий жараёнлари ўзида жамиятнинг юксак мақсадларининг орзу-интилишларини ифода этиб, инсонларни буюк ишларга руҳлантириб, уларни жасоратга ундовни мафкуранинг инсон ҳаётидаги беқиёс аҳамиятига эга эканлигига ундайди .

Ҳозирги даврда глобал-цивилизациявий ҳодисаси бутун дунё интеграциясининг натижаси сифатида намоён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда ва жамиятда кечаётган жараёнларнинг етакчи тенденциясига айланиб бормоқда. Бу тенденциянинг бориши, намоён бўлишининг хусусиятлари, қонуниятлари ва оқибатларини ўрганиш, ҳамда таҳлил этиш масалалари ижтимоий фанларнинг асосий муаммоларидан бирига айланди.

Бундай боғланишнинг таъсирида бир мамлакат таъсирида бўлаётган ходиса албатта, иккинчи мамлакатга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда турли жамиятлар ҳаётида юз бераётган ходисаларнинг натижалари ва оқибатлари қисқа соатлар ичида дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётини қамраб олмақда, деб эътироф этиш мумкин. Айтиш мумкинки бугунги кунга келиб жаҳон ҳамжамияти ягона иқтисодий-ижтимоий тизимга айланди. Глобал цивилизациявий жараёни шиддат билан анъанавий тарзда ҳаёт кечирувчи элатлар ва миллатларнинг ҳам турмуш тарзини ўзгартириб юбораётгани аниқ. Ўзбекистон ҳам бу жараённинг таъсирдан мустасно эмас. Глобал-цивилизациявий жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ва экологик соҳаларига таъсир кўрсатиб, бу соҳалар тизимида турлича ўзгаришларга олиб келмоқда.

Глобал-цивилизациявийнинг таъсири натижасида жамиятнинг маданий – маънавий соҳасида юз бераётган ўзгаришларни англаб етиш, уларни аввалдан кўра билиш, бу жараён олиб келиши мумкин бўлган ижобий ёки салбий ўзгаришларни илмий- фалсафий фараз қилиш жамият тараққиётида катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга бундай ходисаларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаган ҳолда, зарур бўлганда, уларга мослашиш, фойдаланиш ва уларнинг баъзи бир салбий таъсир этувчи жиҳатларидан ҳимояланиш, ҳимояланишнинг усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш миллий манфаатларимизни ҳимоя этиши ва шу йўл билан мамлакатимизнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан глобал-цивилизациявийнинг бошқа шакллари қатори маданий глобал-цивилизациявийни ўрганиш, унинг моҳияти, хусусиятлари ва зиддиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу жараённинг таъсири ва оқибатлари қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги масалаларини англаб етиш бугунги кунда ижтимоий фанларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги даврга келиб глобал-цивилизациявий жараённинг суръатлари шу даражада жадаллашиб кетдики, бунинг натижасида ижтимоий

муносабатлар, маданий, сиёсий ва миллатлараро алоқалар бу жараённинг доирасига тортилди. Дунёнинг барча давлатлари ва халқлари ўзаро ижтимоий алоқаларга кириши натижасида улар бир – бирига янада яқинроқ бўлиб, уларнинг таъсир доираси янада кенгайиб бормоқда.

Хуллас, глобал-цивилизациявий жараёнлари ҳам объектив жиҳатлари билан ҳам субъектив томонлари билан бугун кўз-ўнгимизда тобора намоён бўлиб бораётган воқелик сифатида ривожланиб бормоқда. Бу бизнингча, халқаро муносабатлар барча соҳаларнинг демократлашуви учун янги палла бўлиши, қолаверса, этномаданиятда миллатлар ва халқлар ҳаётида ўз-ўзини англаши учун имконият яратиши мумкин. Ўзбекистон миллий манфаатларни мустаҳкамлаш учун, дунёнинг кўп давлатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий, маданий-ижтимоий муносабатларни ўрнатиш, янги ҳамкорлик уфқларини очиш учун зарур давр бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

I.2. “Оммавий маданият” тушунчаси ва ёшлар маънавиятига салбий таъсири

Глобал-цивилизациявий шароитида юзага келган “Оммавий маданият” ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Баъзи тадқиқотчилар “омманий маданият”ни миллий маданиятнинг акси сифатида талқин қилсалар, бошқа тадқиқотчилар бунини “оломон маданияти” деб ёзмоқдалар. “Оммавий маданият” ҳар бир халқ, миллатнинг анъанавий миллий маданиятига салбий таъсир кўрсатувчи маданият ҳисобланади.

Бугун мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш учун кенг имкон бор. Улар интернет тармоқлари орқали исталган маълумотга эга бўладилар. Бироқ интернет фаоллик ҳали ўз ўрнига, ўз чегарисида ишлатилмаса, хавф туғдириш мумкин. Шу асосда кўпроқ интернет кафеларга 10-14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар келиб, уларнинг аксарияти “Контр стройк” стратегия ўйинлари, жанглари ўйинлар ўйнаши, турли танишув сайтлари ҳамда баъзида маънавиятга тўғри келмайдиган сайтларга кириши аниқланди.

Аслида компьютер ўйинлари турли босқияларга бўлинади. Муваффақитсизликка учраса, яна авалги босқичга қайтади. Бу эса болаларда ғазабланиш, аччиқланиш, ҳолатларини юзага келтиради. Ва ўз-ўзидан бола компьютерни эмас, ўзини-ўзи ёмон баҳолаш камайиб кетади. Бу болада иродасизликни вужудга келтиради. Бола ўз навбатида мазкур ўйинни ўз ёши, билим даражасига мос келмаслигини тушуниб етмай туриб, ўйнаётганини ҳаёлига ҳам келтирмаслиги мумкин. Лекин кўр-кўрона сотишга бўлган ҳаракат ва мақсад уни тарк этмайди. Бола психологиясида бу ҳолат узок муддат сақланади, натижада ана шу бош миядаги устунлик янги билимларни ўзлаштиришга йўл бермайди. Натижада дарсларни англаб етмаслик вужудга келади. Бола ҳар қандай ўйинда ички нутқдан фойдаланади, компьютерда эса, ўйин фақат болани тасаввурлари орқали амалга ошади. Натижада у ҳаётда ҳам шундай бўлиши деб ўйлайди ва доим шу ҳаёлда юради. Компьютер ўйинлари қачон боланинг ақлий жиҳатдан ривожланишига имкон яратади. Қачонки у боланинг ёшига хос муаммоли вазиятнинг ёшига хос муаммоли вазиятни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган дастур асосида бўлса, айти пайтда компьютер клубларини тартибга солиш вақти келди. Ҳозирги кунда шаҳримизда компьютер хоналар кутубхоналардан кўп. Улардан яхши даромад олиш мумкин. Интернет кафелар бўлсин, бироқ тартиб интизом йўқ. Жуда бўлмаса “ишбоши”ликни ёши каттароқ маънавияти шаклланган кишига топшириб, миллатимиз ва ёшларимиз маънавиятига қарши иш қилмасликни уқтириб қўйиш керак.

Бу масалага хорижда қандай йўлга қўйилган:

2001 йилдан бошлаб Хитойда бу борада қаттиқ – чора тадбирлар кўриб бошланган ва қатор интернет кафелар ёпилган. Саудия арабистонида эса интернет кафелар фаолияти бироз чеклаб қўйилган. Интернет 18 ёшга тўлмаганлар учун таъқиқланган. Улар фақат ота-оналари билан келишишлари лозим.

Филлипинда мактабларда 1000 та интернет кафе очиладиган бўлди ва каттиқ тартиб асосида сайтлар филтрдан ўтказилди.

Ҳиндистонда эса баъзи бир компания бўлиб, 500-600 интернет кафелар фақат 4 та йирик шаҳарларда мавжуд эди. Деҳли, Бомбей, Бангапор, Мадрасда.

Японияда эса “Макдональд” тамаддихоналарига юқори кўламдаги интернет тармоқларидан фойдаланиш режа қилинган. Шунга кўра бу давлатда интернет кафелар сони яна 4 минггага кўпаяди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда интернет кафеларда назорат ўрнатиш, ўсмирлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ўйинларни таъқиқлаш йўлида талай чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бу борада:

- инсонининг интеллектуал қобилиятини шакллантирувчи мантиқан фикр юритишга ундовчи флеш-ўйинларни ишлаб чиқиш;
- хусусий тадбиркорлар билан улар комьютерларга ўрнатган ўйинларнинг болаларга салбий таъсири тўғрисида суҳбатлар ташкил қилиш;
- ишлаб-чиқарилган флеш ўйинларни ва улар рекламасини тадбиркорларга таклиф қилиш;
- синф раҳбарлари, ота-оналар билан интернет ўйинларининг зарари тўғрисида кенгроқ ёритиш ишларини олиб бориш;
- маънавиятга тўғри келмайдиган сайтларга интернет тармоқ филтрлари ўрнатиш;
- болаларга мўлжалланган ОАВ ва интернет ресурсларда ўсмирлар учун энг яхши болалар китоблари каби баҳслар ўтказиш, уларни болалар ҳам олиб бориши;
- ота-оналар масъулиятини ошириш, дарсдан сўнг болага назоратни кучайтиришлари мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганимизда, замонавий маданиятни холисона тахмини шуни кўрсатмоқдаки, маънавий маданият кўпроқ оммавийлик касб этиб бормоқда.

Оммавий маданиятнинг қиёфаси қуйидагича:

- У миллати, ёши, жойи, ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган оммавий истеъмолчиларга эга бўлади.

- Бу маданиятдаги намуналарни яратган жараённинг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустриянинг махсус кўришини ўзида намоён қилади, яъни унда 100 минглаб кишилар банд бўлиб уларнинг “Матбуот кироли”, “Буюк шоу томошачилари”, “кино”, ТВ, эстрада юлдузлари бўлади.

Юқорида биз Ғарбда “Оммавий маданият”нинг тарихи, туғилиши манбалари тўғрисида сўзладик. Ҳозир-чи? Ҳозирга келиб эса бу тамойиллар янада ғовлаб, томиотяпти. Масалан, “поп-музыка”га хос ўша ритмик “бит”(зарб), кўшиқ ниқобидаги алаҳсираш, валдирашга яқин дидсиз “репп”лар таъсири дунё миқёсида тарқалиб миллий мумтоз ва халқ мусиқа санъатидан одамзотни узоқлаштирмоқда. Ғарб давлатларининг айримларида “оммавий маданият” тарқатаётган “порнография” (шармсизлик, ҳаёсизлик), ҳамда садизм (зўравонлик) тарғиботи йўлидаги ғовлар, қарангки, суд қарорлари асосида бирин-кетин олиб ташламаяпти. Ҳатто АҚШ мактабларида “янги рок” мусиқалари ўқув дастурларига киритилган.

“Оммавий маданият” мактабининг “натижалари эса яққол кўриниб турибди. Масалан, АҚШнинг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдоси, вос-вос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида кучайиб бораётган агрессивлик жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали ҳаммага маълум”. “Экканингни ўрасан”, деб шунга айтсалар керак-да.

Афсуски, ер юзидаги ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги глобализм шароитида, ғарбдаги “марказлар” бундан фойдаланиб. Бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаёти “жозибаларини,” жумладан “оммавий маданият” таъсирини, “эркинлик шабодалари” тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат қилмоқдалар.

АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезнский шундай ёзади: “маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги

билан ажралиб туради.” Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусикаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун дунёда тақлид қиладилар. АҚШ сиёсати ва мафкуриси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публицистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан челаниб қолаётганлари йўқ. Дунё халқларини “ғарблаштириш”га уринишлар қуроли сифатида, маслан, “оммавий маданият” воситаларидан, турли-туман ахборот таракқиётини (реклама, матбуот, кино, телевидение каби) йўлларида зўр бериб фойдаланилмоқда.

Бугунги глобал-цивилизациявий шароитида “оммавий маданият” мафкуравий таъзиқларнинг энг кучли, одамлар тафаккурини ўз измига солишнинг ўта нозик унчалик сезилмайдиган кучли қуролига айланиб бормоқда. Маданият, санъат, фан ва таълим ҳозирги кунда айрим давлат ва ташкилотлар томонидан мафкуравий таъсир ўтказиш ва маънавий-маданий экспанцияни амалга ошириш воситасига айланмоқда.

“Оммавий маданият”да ғайри ҳаётийлик, зўравонлик тарғиб этилади, қаҳрамонлар ғайри ҳайотий шароитга тушиб қолади, бир қаҳрамон юзлаб, ҳатто минглаб қарши кучларни маҳв этади. Инсоний хусусиятлардан маҳрум персонажлар бир-бирининг ичак-чавоқларини титиб йўқотган нарсасини излайди. Уларга ҳеч қандай тўсиқ йўқ: истаса бир хатлаб тўрқават бино устидан сакраб ўтиши, истаса бутун бир шаҳарни яксон қилиши мумкин . Бундай “асарлар” кишиларда, айниқса, ёшларда ёвузлик, зўравонлик туйғуларни уйғотмай қўймайди ¹³. “Оммавий маданият” яратишга ижод қилишга, кишидаги интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга эмас, балки ундаги истемолчилик кайфиятини кучайтиради. Махсус тадқиқотлар шуни

¹³ Қўчқоров В. Миллийлигимизни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар. – Тошкент: Академия, 2007. – Б.118.

кўрсатмоқдаки, истеъмошлик кайфиятига берилмайдиган, ундан мутлок озод киши йўқ. Оммавий маданият” кишида ўз махсулотларига нисбатан эҳтиёж, зарурият уйғотишни, шу тариқа чиқараётган махсулот ва товарларни кўпроқ ва тезроқ сотишни назарда тутди.

Энди “оммавий маданият” масаласига чуқурроқ назар соладиган бўлсак, у ҳозирги кунда маданий глобал-цивилизациявийнинг, маданий экспанциянинг, қолаверса, мафкуравий тазйикнинг энг хавфли қуролига айланиб бормоқда. Шуни эътиборга олиш лозимки “оммавий маданият”да миллий қадрият, миллий хусусият ва миллий тарихга асос йўқ. У миллий маданият, миллий анъана, миллий характер ёки миллий минталитет ҳамда миллий манфаат нима эканлигини билмайди. “Оммавий маданият”нинг мохияти ва унинг хавфли жиҳатлари ҳақида фикр юритишдан аввал бир тушунчага муайян аниқлик киритиш зарурдир. Чунки “Оммавий маданият”нинг турли олим ва мутахассислар томонидан турлича талқин этилмоқда. Бу борада олим У.Саидов ўзининг “Глобал-цивилизациявий ва маданиятлараро мулоқот”деб номланган асарига уларни умулаштирган ҳолда қуйдагича ифодалайди:

-“Оммавий маданият” – халқ маданияти урф-одатлари, маросимлари, санъати ва ш.к ифодаловчи тушунча.

-“ Оммавий маданият” ОАВнинг ривожини билан боғлиқ ҳодиса.

-“Оммавий маданият “ ишлаб чиқариш, “кўнгил очиш индустрияси” томонидан яратилган, омма истеъмолига мўлжалланган маданиятнинг сайқаллаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодисалардир¹⁴.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйдаги фикрлари эътиборимизни тортади: “Табиийки, “Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзини

¹⁴ Саидов У. Глобал-цивилизациявий ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: Академия, 2008. – Б.75.

маънавий негизларига беписандлик, уларнинг қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”¹⁵.

Ҳозирги шароитда глобал-цивилизациявий билан боғлиқ баъзи жараёнлар, айниқса, “оммавий маданият” салбий ҳодиса, миллий кадриятлар ва ананалар билан боғлиқ маданиятга қарши сифатида намоён бўлаётгани, аслида эса бундай жараёнларга “оломон маданияти” деб атасак тўғри бўлади. Шу жиҳатдан олим У.Саидов ўзининг асарига америкалик олим П.Бьюкененнинг қуйидаги фикрларни келтиради: “Америкача мафкуралашган давлатда ўз янги ақидаларини армия ва полиция орқали эмас, оммавий маданият инквизиторлари ёрдамида жаҳонга сингдирилаётган “юмшоқ тирания” га айланган”. “Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари (ОАВ), телевидение маданиятни “оломонлаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи булиб хизмат килмоқда. Бу аввало, одамларнинг ҳақиқатда вақти бўлган, қайғу ва хурсандчиликларини ифодалаган, уларни қизиқтирган ҳар қандай муаммони товарга, бир қолипга солган кўнгилхушликка айлантирилишида намоён бўлади”¹⁶.

Ҳозирги глобал-цивилизациявий шароитига келиб “оммавий маданият” орқали миллий кадрият ва анъаналар тизимини, тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу борада эса ғарб мамлакатлари томонидан маданият “қолиплари” ни ишлаб чиқарилаётганлигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бу ўзгариш аввало, ғарбона индивидуализм томон ҳаракат қилинаётганлигидан дарак бермоқда. Бу билан глобал-цивилизациявий шароитидаги “оммавий маданият” нинг таъсири натижасида миллий маданиятларини ўзига хослигининг йўқолиб бориши, кам сонли халқларнинг ўз тили ва урф-одатларини унитиши, ҳаттоки, унинг йўқолиб кетиши ҳолатларини келтириб чиқаради. Жаҳонда ғарбона кийиниш кенг тарқалаётган бир пайтда ўзига модага айланиб бораётган либосини кийган,

¹⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.117.

¹⁶ Саидов У. Глобал-цивилизациявий ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: Академия, 2008. – Б.75.

аслида манқуртлик касаллиги кўринишларидан бири - "оммавий маданият" кўринишининг умумжаҳон маданиятга айланаётганидан далолат бермоқда.

Дунёнинг ҳозирги кундаги халқаро алоқаларида, адабиётлар ва жаҳондаги ўзаро мулоқотларда "маданият иқтисодиёти", "маданият индустрияси" каби тушунчалар кўп қўлланилмоқда. Жаҳон миқёсида трасмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фаолияти кенг ёйилиши натижасида миллий ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалиши ва миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқиши, масалан, Туркияда ишлаб чиқарилган "Мерседес", Хитойда ишлаб чиқарилган япон техникаси, бутун жаҳонни эгаллаган "Макдональд", "Кока-кола" каби ҳодисалар мазкур тушунчалар доирасида бўлиб, "оммавий маданият" ни нусхалаб кўпайтириш ва у орқали дунёда ҳукумронлик қилиш вазифаларини ўтамоқда. Бу ҳам эса маданият рамзлари ва маданий ахборотни оммавий ишлаб чиқариш бўйича "глобал маданият" нинг шаклланишига олиб келади.

Биз "оммавий маданият" нинг қай даражада ривожланаётганлиги унинг инсонлар, айниқса ёшлар онгига таъсири масалаларини кўриб чиқдик, уни баъзи кўринишлари ҳақида тўхталдик. Энди "оммавий маданият" нинг ўзи яна қандай кўринишлари мавжуд деган савол туғилади. Буларга куйидагиларни кетириш мумкин, жумладан: кино ва видеофильмлар, театр, адабиёт ва санъат (рассомчилик, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, мусиқа ва бошқалар.), матбуот ва телевидение (оммавий ахборот воситалари), кийиниш маданияти (модалар кўриклари), овқатланиш маданияти (овқатланиш тарзининг бир хиллашуви), Интернет ва ҳоказоларни келтириш мумкин. Бу кўринишдаги "оммавий маданият" ларни ривожланиб бораётганлиги, авваламбор, дунёда "ҳукумронлик қилиш мақсадида ҳаракат қилаётган давлатларнинг шахсий манфаатларини қондириш учун мафкуравий мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Ўз-ўзидан аёнки, кучли давлатлар ўз ҳаётий, аввало, маданий рамзларини ҳимоя қилиш учун барча воситаларни ишга солади, ўз "яшаш тарзлари" ва маданиятларини бошқа худудларга ёйиш каби, бошқача

айтганда, маданий рамзлар интервенцияси орқали дунёни ўз таъсири остига олишга ҳаракат қилади. Ўз навбатида, маданий унификациялаш, маданий ранг-барангликни инкор этишга бўлган ҳаракатлар маданий идентификациялаш, яъни маданий ўзига хосликни сақлаб қолишга интилишни юзага келтирмоқда.

Бунинг хавфли томонларини таникли инглиз социологи З.Бауман куйидагича ифодалайди: “Индивидуаллашган жамият уч ҳарактерли хусусиятга хос: инсон томонидан ижтимоий жараёнлар устидан назоратнинг йуқолиши, кишининг жамиятдаги ўзгаришлар қаршисидаги, уларни назорат қилиш имконияти йўқлиги туфайли, ҳимоясизлиги ва ўзи яшаши керак бўлган мавҳум, ноаниқ воқелик қаршисидаги ҳимоясизлиги; буларнинг оқибати ўлароқ инсоннинг узок муддатли мақсадларини, ҳаётий стратегияларини режалаштириб рўёбга чиқара олмагани туфайли, уларни унчалик салмоққа эга бўлмаса-да, дарҳол қўлга киритиладиган натижалар билан алмаштиришидир. З.Бауман салбий жиҳатларни ўзида мужассам этган индивиднинг пайдо бўлганлигини қайд этган, чунки у ижтимоий муҳитдан, жамоадан ажралиб қолган, ўзгалар ҳақида ўйлаш қобилиятидан, жавобгарлик ва яқдиллик туйғусидан маҳрум бўлган ҳамда фақат қисқа муддатли вазифаларни олдиға қўйиб, бугунги кун билан яшайдиган кишиға айланган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, “оммавий маданият” кишиға инсонийлик, шахс мартабасини берадиган миллий маданиятидан, маънавиятидан, тарихий хотирадан маҳрум этади¹⁷.

Рус олими В.Г.Федотова, “оммавий маданият” “илдизсиз индивид”¹⁸ ларни шакллантиради деб таъкидлайди, оммавий ахборот воситалари ёрдамида эса “илдизсиз”, заминидан маҳрум этилган индивидлар оммаси пайдо бўлади. Бу билан жамиятда тартиб-қоида ва қадриятларни йуқотиш (аномия) ҳолатиға тушади. Яна бир рус олими С.Наумов эса аномия “индивидларни жамиятдан бегоналашувига олиб борадиган тизим,

¹⁷ Саидов У. Глобал-цивилизациявий ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: Академия, 2008. – Б.75-76.

¹⁸ Федотова М.Г. Фактор ценностных изменений на западе и в России // Вопросы философии. 2005. –№11. – С.3.

жамиятнинг норматив-функционал талаблари билан индивидларнинг реал хатти-ҳаракатлари ўртасидаги боғланишнинг бузилиши”¹⁹- деб таърифлайди. Шундай қилиб, глобал-цивилизациявий жараёни ва унинг йўналишларидан бири бўлган “оммавий маданият” экспансияси таъсири натижасида содир бўладиган кадриятлар тизимидаги туб ўзгаришлар “ижтимоий мавжудот” бўлган инсондаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бунинг хавотирли жиҳати шундаки, инсон ва жамият маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум бўлади, жамият инқирозга учрай бошлайди.

“Валентин куни”. Марказий Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам Глобал-цивилизациявий туфайли юзага келган “оммавий маданият”нинг бир кўриниши бўлган “Валентин куни” ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳар йили 14 февраль куни, асли номаълум қадимий католиклар “жафокашлари” деб эълон қилинган, аслида ғирт хотинбоз бўлган Валентин Интерамский ва Валентин Римскийлардан бирининг номи билан эълон қилинган муқаддас Валентин куни, яъни севишганлар куни деб бизда ҳам нишонланадиган бўлди. Ваҳоланки, католикларнинг бу байрами нишонланишига ҳатто православ христианлари ҳам қаршидирлар, чунки улар ўзлари учун муқаддас ҳисобланган Петр ва Фаврониялар кунини нишонлашга даъват этадилар. АҚШда бу байрам севишганларига 14 млрд долларга тушмоқда.

“Хэллоуин куни”. Хэллоуин сўзи инглиз тилида “муқаддаслар базми” деб таржима қилинади. Ушбу байрам таъсирида мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари ўқувчи, талабалари 31 октябрь куни кўрқинчли ниқоблар кийиб, кўчаларда юришлари кузатилмоқда. Ваҳоланки, бу байрам ҳам бизнинг миддий кадриятларимизга мутлақо тўғри келмайди. Бу аслида , Ғарбий Европа кельт қабилаларининг қадимий байрами бўлиб, қишнинг биринчи куни 31 октябрь куни кутиб олиш, яъни кўрқинчли қора кучлар келиши билан изоҳланади. АҚШда, Ғарбий Европа мамлакатларда шу куни ёшлар

¹⁹ Наумов С. Общечеловеческие проблемы глобализации // Глобализация: проблемы международного сотрудничества и решение общечеловеческих задач. – Саратов, 2005. – С.9.

ниқоблар кийиб олиб, намоишлар ўтказдилар. Ҳар йили АҚШда ушбу байрам тадбирларидан 2,5 млрд доллар фойда олинади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан маълум бўлдики “Оммавий маданият” ўз навбатида, азалий қадриятлар тизимини вайрон қилиш, шахсни паймол этиш ва бунинг ортидан шаклланган давлат ва жамиятларни бузиш, одамларни айириш вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда барча инсонлар олдида турган энг долзарб вазифа одамларни мафкуравий тазйиқлар, ахборот хуружларидан химоялаш, уларнинг маънавий салоҳиятини ошириш ва уларда ғоявий иммунитетни шакллантиришдан иборат. Бугунги глобал-цивилизациявий шароитида турли шаклдаги хусусан, “оммавий маданият” курунишидаги мафкуравий хуружларга қарши кураш, бунинг учун “халқни - халқ, миллатни – миллат” қилишда Ўзбекистонинг мустақилигини асраб-авайлаш, жамиятдаги барқарорликни таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида миллий мафкурани мустаҳкамлашдан иборатдир.

2 БОБ. ҒОЯВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ШАКЛЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

2.1. “Оммавий маданият” кўринишидаги ғоявий таҳдидлар: тушунча ва моҳият

Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобал-цивилизациявий шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкинги таборо аён ҳақиқатга айланиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини қўйидагича ёритиб беради: “Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли,

деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламыз²⁰.

Оммавий маданият — маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. Айни пайтда фольклор, халқ маданиятини ҳам Оммавий маданият кўринишлари сифатида талқин қилинади. Оммавий маданият чуқур ижтимоий ва маданий илдизларга эга. Оммавий маданият пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий илдизлари йирик саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Йирик саноат ривожини ёлланма ишчиларга заруратни туғдирган бўлса, феодал жамиятнинг анъанавий социал структурасининг емирилиши одатий меҳнатидан айрилган кишилар оммасини вужудга келтириб, ана шу эҳтиёжнинг қондиришга хизмат қилди. Оммавий маданиятнинг шаклланиши бошлаши ана шу жараённинг инъикоси эди. Зеро, у янги ижтимоий қатламларнинг (ёлланма ишчилар ва хизматчиларнинг) ўзларигагина хос бўлган маданият кўринишини яратишга бўлган интилишнинг натижаси ўлароқ шаклланди. Оммавий маданиятнинг юзага келиши ва ривожланиши айни пайтда ижтимоий қадриятларни содда, барча учун тушунарли бўлган тилга кўчириш, оммавий саводхонликнинг ўсиши, нашр маҳсулотларининг пайдо бўлиши ҳамдир. Узоқ вақт давомида дунёқараш ва хулқ меъёрлари устоздан шогирдларга яқка тартибда ўтиб борган. Тарихий тараққиёт ижтимоий тажриба ва дастурлар узатиш механизмининг универсаллашуви уларни кенгроқ доирага олиб чиқди. Бунга ҳам оммавий маданият

²⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч –Т.: Маънавият, 2008. –Б.

шаклланишининг муҳим кўриниши сифатида қараш лозим. Бу жараённинг бугунги кундаги ўзига хос натижасини боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртларида таълим, тарбия жараёнининг универсаллаштирилган - ягона стандарт ва дастурлар асосида ташкил этилганида кўришимиз мумкин. Бундай универсаллаштириш ҳозирда глобал миқёс касб этмоқда. 20-а.да радио, кино, телевидение, видео, компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида Оммавий маданият ўз ривожланишининг янги босқичига қадам кўйди. Бу босқич кўпчилик учун мақбул бўлган қарашлар ва кадриятларни шакллантириш имкониятлари кескин даражада ўсгани билан характерланади. Таъсир этишнинг нозик ва қудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситалар ёрдамида оммавий истеъмол маданиятини, интеллектуал фаолият жисмоний меҳнатни ҳар соҳадан сиқиб чиқариш кучайган бир пайтда жисмоний соғлом бўлишга хизмат қиладиган ҳар хил спорт турларини фаол тарғиб қилиш йўли билан жисмоний баркамол шахсни шакллантиришга уриниш ҳам ана шу жараённинг натижасидир. Оммавий маданият халқ маданиятидан фарқли ўлароқ нафақат миллий, балки миллатлараро, байналмилал хусусият касб этиши, айти пайтда умуман миллийликдан узоқ бўлиши ҳам мумкин. Кўпгина ҳолларда Оммавий маданиятнинг у ёки бу намунасининг миллий мансублигини фақат унинг тили ёки ижрочисига қараб ажратиш мумкин. Элитар маданият кўпчиликка мўлжалланмагани, тушунарсиз бўлгани билан ажралиб турар экан, бу унинг ташувчиларини жамиятда алоҳида мавқега эга бўлишларига хизмат қилган. Оммавий маданият эса кенг халқ ўртасида машҳур бўлган ўзларининг аниқ муаллифлари билан ажралиб туради. Халқ маданияти ҳамма вақт муайян конкрет макон билан боғланган. Оммавий маданият да эса бундай локаллик кузатилмайди. У аввал бошданок кенг аудиторияга мўлжалланган бўлади. Унда инсонга хос бўлган ҳиссиётлар—мухаббат, қўрқув, муваффақиятга эришишга бўлган интилиш, ғаройиботга ишонч ва шу кабиларга асосланиш устуворлик қилади. Шу йўл билан Оммавий маданият реал ҳаётга қайсидир жиҳатлари билан ўхшаш бўлган, аммо ундан айти пайтда бир мунча узоқ

бўлган ҳаёт манзарасини яратади, қарашлар ва қадриятлар тизимини, хулқ моделини шакллантиришга хизмат қилади. Оммавий маданият ўзининг мана шу хусусиятлари билан инсоннинг идеалга бўлган табиий эҳтиёжини қондиришга интилади.

Оммавий маданият олим ва мутахассислар томонидан турлича талқин этилмоқда. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Оммавий маданият – халқ маданияти, урф-одатлари, маросимлари, санъати ва шу қабиларни ифодаловчи тушунча.
2. Оммавий маданият ОАВнинг ривожини билан боғлиқ ҳодиса.
3. Оммавий ишлаб чиқариш, “кўнгилочиш индустрияси” томонидан яратилган, омма истеъмолига мўлжалланган маданиятнинг сийқалаштирилган намуналари кўринишидаги салбий ҳодиса.

Бугунги кунда Оммавий маданият маданий мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли қуролларидан бирига айланган.

Истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган оммавий маданият асл кишилиқ маданиятига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охир-оқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзод, ҳайвон даражасига туширадиган, халқни эса оламонга айлантирадиган ҳодисадир.

Бугунги кунда ОАВ, телевидение маданиятни оломонлаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, аввало, одамларнинг ҳақиқатда даври бўлган, қайғу ва хурсандчилигини ифодалаган, уларни қизиқтирган ҳар қандай муаммони товарга, бир қолипга солинган кўнгилочиликка айлантирилишида намоён бўлади.

Глобал-цивилизациявий жараёнлари ва унинг йўналишларидан бири бўлган Оммавий маданият экспансияси таъсирида содир бўладиган қадриятлар тизимидаги туб ўзгаришлар “ижтимоий мавжудот” бўлган инсондаги ўзгаришларни келтириб чиқаради, инсон ва жамият маънавий-ахлоқий таянчларидан маҳрум этилади, жамият инқирозга учрай бошлайди.

Шу боис Президент И.А.Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисдаги маърузасида Оммавий маданият

масаласига алоҳида тўхталиб, шундай дейди: “Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, ғоявий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “Оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак”²¹.

Қолаверса, бундай ёндашув Ғарб жамиятига хос иллатларни аёвсиз танқид қилган таниқли олим ва мутахассислар ижодида алоҳида ўрин тутди. Масалан, машҳур немис файласуфи Т.Адорно “Салбий диалектика”, “Маърифат диалектикаси” асарларида фанатик тимсолини теран таҳлил қилган. Хусусан, у “оммавий маданият” ҳодисасини ўрганар экан, унинг кўп қиррали мазмун-моҳиятининг икки жиҳатига, бири — дунёни фаровонлик ва роҳат макони сифатида, иккинчиси эса зўравонлик, қаҳр-ғазаб ва қасоскорлик дунёси эканига эътибор қаратади. Нима учун айнан Ғарб жамиятида фашизм ва тоталитар ҳаракатлар, оммавий фанатизм пайдо бўлгани ҳақидаги саволга Адорно бу ҳол Ғарб дунёсининг ғоявий инқирози, талай ижтимоий-руҳий омиллар таъсирида янги хилдаги одам — “авторитар шахс”нинг вужудга келишига сабаб бўлишини таъкидлайди. Айнан авторитар шахс тимсолида бир-бирига қарама-қарши ҳолат: ҳокимиятга интилиш ва унга қарши исён, итоаткорлик ва исёнкор фанатик намоён бўлади.

Адорно бу каби зиддиятни машҳур психолог З.Фрейднинг руҳий таҳлил таълимотига таянган ҳолда изоҳлайди. Маълумки, Фрейд назариясига кўра, инсон онгида болалигидаёқ онгсиз зиддиятли жараён, яъни бир томондан, онага бўлган кучли муҳаббат, иккинчи томондан, отага бемехрлик билан боғланган ҳолда кечади. Олим назарида, хатти-ҳаракат ва хулқ-атвордаги зиддият азалийдир²².

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т., Ўзбекистон, 2007. –Б.

²² Личность в XX столетии: Анализ буржуазных теорий. —М.: «Мысль», 1979, —с. 175-176.

Ғарб дунёсига хос ғоявий бузилишлар яна бир таниқли олим Э.Фромм карашларида акс этган. Фромм замонавий Ғарб индустриал маданияти иррационал моҳияти, яъни тушунтириш қийин бўлган ҳис-туйғуларга тўлиқ эканини таъкидлайди²³.

Файласуф исёнкор ғоя ва ҳаракатлар ўзида мужассам этган тириклик душмани бўлган некрофил тимсолини тасвирлаган. Некрофил ривожланмайдиган, ўзгармайдиган, яъни механик нарсаларга талпинади, ҳаёт ва у билан боғлиқ тимсолларни яксон қилишга уринади. Шунинг учун ҳаёт мазмунини жонсиз буюмлардан излайди. Буюм, мулк унинг учун олий қадриятга айланади. Фанатизм ҳам, Фромм фикрича, некрофиллик механизмлари билан туташган, узвий боғлиқдир. Фромм фикрича, айнан шундай кимсалардан жаллодлар, террористлар, қотиллар пайдо бўлади.

Шу билан бирга, Фромм садизм ёки некрофилликка мойил одамлар, хусусан, XX асрда миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритган Гитлер, Сталин, Пиночет, Пол-Пот каби жаллодларнинг руҳий хасталиги ҳақидаги мулоҳазаларнинг асоссизлигини таъкидлайди. «Акс ҳолда, — деб ёзади Фромм, — инсоният тарихидаги ёвузликларнинг сабабларини тушуниш мумкин бўлмас эди»²⁴.

Ғарб жамияти ғоявий ҳаётида инқироз тушкунлиги туфайли бузғунчилик, оммавий невроз, ахлоқсизлик, тажовузкорлик каби ҳолатлар намоён бўлиб, тобора хатарли тус олмоқда. Зеро, глобал-цивилизациявий жараёни, замонавий коммуникация тармоқларининг жадал ривожланиши, маданиятлараро, инсонлараро мулоқот кенгайиб бораётган бир паллада Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, аждодларимиз қолдирган маданий-маънавий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга беками-кўст етказиб бериш, ёшларимизни ақлли, доно, бахтли ва баркамол этиб тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

²³ Fromm E. The anatomy of Human Destructiveness. –L. P. 219.

²⁴ Ўша манба.

Ҳозирги пайтда ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган жиддий хатарлардан бири - «оммавий маданият» номи билан индустриал асосда ишлаб чиқиладиган «санъат» намуналаридир. Аслида ҳақиқий санъат асаридан мутлақо йироқ бўлган, ғаразли мақсадларни кўзлайдиган айрим гуруҳларнинг бойишига хизмат қиладиган, миллий қадриятларимизга зид бундай маҳсулотлар инсонни ҳаётдан йироқлаштиради, руҳан қашшоқ ва муте жонзотга айлантириб қўяди. Бундай «асар»ларда беҳаёлик, зўравонлик, ур-йиқит, фирибгарлик, гиёҳвандлик, майхўрлик каби иллатлар зимдан тарғиб қилинади, ҳаётнинг маъноси шундан иборат, деган зарарли ғоя томчи-томчи тарзида ёшларнинг қалби ва онгига зимдан сингдирилади. Бошқача айтганда, «оммавий маданият» ёшларнинг ҳаётини бутунлай захарлайди ва уларни ўз тарихи, миллий қадриятлари, ҳатто ота-онасини танимайдиган махлуққа айлантириб қўяди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов «Юксак маънавият – энгилмас куч» асарида «оммавий маданият» хавфидан халқимиз, жамоатчилигимизни огоҳ этгани бежиз эмас. Чунки бундай хавф-хатарларнинг зарари бирданига кўзга ташланмайди. Балки йиллар ўтиши давомида аста-секин намоён бўла боради. Оммавий маданият, биринчи навбатда, фойда, мўмай даромад олишни кўзлаб ҳаракат қиладди. Лекин у бундай фойдани эндигина ҳаётга кириб келаётган миллионлаб покиза қалбларни захарлаш эвазига орттирмақчи бўлади. Оммавий маданият уйингиздаги, шаҳар ва қишлоғингиздаги кўпдан-кўп ахборот тармоқлари орқали сиздан руҳсат сўрамасдан кириб келаверади. Биргина реклама роликлари орқали тарғиб этиладиган маданият ёки турмуш тарзи намуналарини олинг. Улар орқали гўёки эҳтиёж учун зарур оддий бир матоҳ тарғиб қилинаётгандек бўлиб кўринса-да, унинг замирида бизнинг миллий ахлоқимизга тўғри келмайдиган нимадир яширинган бўлади. Ана шу номсиз нимадир бориб-бориб, оммавий маданият, оммавий турмуш тарзи тамойилларини белгилайдиган кучга айланиш учун даъвогарлик қиладди, бизнинг қалбимиздан миллий ўзлик туйғуси, Ватан ҳиссини сиқиб

чиқармоқчи бўлади. Масалан, ўзининг хурматини билган, қалбида озгина уят, ор-номус туйғуси бўлган инсон ҳеч қачон ҳамманинг олдида ечиниб, ювинмайди. Лекин ойнаи жаҳон орқали бериладиган совун ёки соч ювиш воситасига тааллуқли рекламада ана шундай ҳолатлар очиқчасига кўрсатилади. Баданига совун суркаётган аёл кишининг сув остида қандай хиссий ҳолатни бошидан кечираётгани кўз-кўз қилинади. Мақсадсиз ҳам шундай роҳатдан бенасиб қолманг, шу «бебаҳо» совунни сотиб олинг, деган мазмунда одамларнинг қўлтиғига сув пуркашдан иборат. Ҳолбуки, халқимиз ювиниш фойдали эканини шусиз ҳам яхши билади ва неча асрлардан буён тозалик-озодалик қоидаларига амал қилиб келади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳадиси шарифда ва ислом шариати талқинига бағишланган бошқа кўплаб тарихий манбаларда ювиниш ва покиза юришнинг қоидалари жуда ибратли равишда тушунтирилади. Ота-боболаримиз минг йиллар давомида ана шу қоидалар асосида яшаб келган ва ҳеч қачон бошқалардан кам бўлмаган. Энди боягидек рекламалар ҳар куни ойнаи жаҳондан узлуксиз равишда кўрсатиб туриладиган бўлса, қани, айтинг, ана шу ҳикматларга тўла қоидаларни ўрганишда ёшларимизда рағбат-қунт бўладими? Улар, ана, телевизорда тайёрини кўрсатиб турибди-ку, оддий ювиниш-таранишни ўрганиш учун ҳам китоб титиб ўтираманми, деган номаъқул хаёлга бормайдими? Боради, албатта. Чунки одамзот ҳамиша осонини танлашга мойил.

«Оммавий маданият»га қарши курашнинг энг самарали йўли – йигит-қизларимизни ёшлигидан бошлаб юксак маданий савия, дид ва фаросат эгаси, мустақил фикрлайдиган, маърифатли қилиб тарбиялашдан иборат. Ана шундай фазилатларга эга бўлган ёшлар замирида вайронкор ғоялар ётган «оммавий маданият» намуналаридан ҳазар қилади. Жамиятда мустақил фикрловчи, ҳурфикр, талабчан дидли, маънавияти юксак одамлар қанча кўп бўлса, оммавий маданиятнинг бозори шунча касод бўлади. Ақлли, талабчан, фаҳм-фаросатли одамлар ўзлари истемол қиладиган, киядиган, эшитадиган, кўрадиган, ўқийдиган нарсаларга юксак талаб қўядилар. Яхши маҳсулот кўп

юксак ақл-заковат, маблағ, вақт, технологияларни талаб қилади. "Оммавий маданият" ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари "китч" маҳсулотлар дейилади. Китч (немисча) "арзон нарса", "арзонлаштириш" маъносини англатади. Социолог Герман Брохнинг фикрича, китч - "ўхшатиш, тақлид қилиш тизими"дир. Олим нимани нимага ўхшатиш ҳақида гапирмоқда? Албатта, қалбаки нарсани асл нарсага. Ёмон нарсани яхши нарсага. Хунук нарсани гўзал нарсага. Бу қўлбола усулда тикилган кийимга дунёдаги машҳур фирма ва компаниянинг ёрлиқларини ёпиштириб қўйишга ўхшайди. Демак, китч - асл нарса эмас, аслнинг нусхаси, яъни қиммат нарсанинг арзонлаштирилган ясама нусхаси, қалбаки нарса яратиш. Минг афсуски, бу ҳолат ахлоқ ва таълим-тарбия соҳасида ҳам кўзга ташланмоқда. Яъни, меҳрибон бўлиш эмас, меҳрибонга ўхшаб кўриниш, ҳақиқий дўст эмас, ҳақиқий дўстга ўхшаш ва ҳ.к. Натижада ахлоқ псевдоахлоқ билан алмашади. Яхшилик ўрнини "яхшилик" эгаллайди. Шакл мазмунни сиқиб чиқаради.

"Оммавий маданият" бозоридаги товарлар оддий ва "кўча одами"га мўлжалланган. Биз керак маҳсулотларимизни аввал яхшилаб текшириб, кейини харид қиламиз. Лекин кўраётган, эшитаётган нарсаларга, очиғи, эътиборсизмиз. Ваҳоланки, глобал-цивилизациявий "оммавий маданият"ни ёймоқда. У ўзбекларнинг тафаккурига, мусиқаси, кийиниши, ўзаро муомаласи, оиласи, оилавий муносабатларига, ҳатто орзуларига ҳам чанг солмоқда. Бизга қарши ғоявий кўпорувчилик олиб бораётган мафкура полигонлари ўз мақсадига эришиш учун ҳеч нарсани аямаяпти ҳамма воситаларни ишга солмоқда, кўплаб маблағ сарфламоқда, энг замонавий усул-услугларни қўллаган ҳолда, ёшларни ўзига ром этадиган турли томошалар, кўнгилочар кўрсатувлар, мусиқий каналлар ташкил этмоқда. Бундай манбалар орқали бузғунчи ғоялар тарғиб этиляпти, энг ёмони - уларни ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган, ишонувчан, таъсирга берилувчан ёшларимиз кўряпти, томоша қиляпти. Бу эса "оммавий маданият" тизими, маҳсулотлари, ёшларимизни аврашнинг ўзига хос усули

шакллангани, демак, уларга қарши кураш ҳар биримизнинг кундалик амалий ишимизга айланиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу маънода, турли ғоялар, ҳаётий қараш ва қадриятлар тўқнаш келган пайтда шахс масъулияти, у танлайдиган ижтимоий орзу-умидларнинг аҳамияти беқиёс даражада ортади.

Маънавий бузуқлик деганда, умуминсоний ва миллий ахлоқ, қадрият, маданият, дин ва тарбия асосларига зид бўлган, инсон шахсининг тубанлашуви, жамият, оила ва кишилар томонидан белгиланган ахлоқ меъёрларига риоя этмаслик ёхуд уларни инкор этиш тушунилади.

Маънавий бузғунчилик эса, муайян кучлар, марказлар, шахслар томонидан ўз манфаатларини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таъминлаш, ғаразли мақсадларни кўзлаб, мамлақати ва ўзга давлатлар хал-қи, айниқса, ёшларини чалғитиш, уларнинг онгига ғайриинсоний ва ғайриахлоқий ғоя ва қарашларни сингдиришга хизмат қиладиган усул ва технологиялардир.

Дарҳақиқат, бу жараёнлар Ўзбекистон тарихида муҳим воқеа, фуқаролик жамияти сари тараққий этиш ҳамда демократия тамойилларини мустақкамлашда дадил қадам бўлди. Кўриниб турибдики, бунда фақат Ғарб демократияси талаблари эмас, балки ўзимизнинг қадимий давлатчилик анъаналари ҳам ҳисобга олинган. Бошқача қилиб айтганда, Шарқ демократияси унсурлари ва энг асосийси, миллий-маънавий қадриятларимиздан ҳам фойдаланмоқдамиз.

Биз Ғарб турмуш тарзи, ахлоқини кўр-кўрона қабул қилолмаймиз. Бу бизнинг асрий анъаналаримизга ёт. Шу каби ҳаддан ташқари индивидуализмга берилиш, худбинлик, ўзибўларчилик, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай, босиб-янчиб кетиш каби истак-хоҳишлар халқимиз табиатига тўғри келмайди.

Демак, халқимизга хос бўлган шахсий қобилиятни жамоавий удумлар билан уйғунлаштириш, эл-юрт, маҳалла-қўй назаридан қолмаслик, дину диёнатдан ташқари чиқмаслик, ор-номус, ҳамият, мардлик, виждон амрига итоат этиш, адолатпарварлик, ҳақгўйлик сифатлари йўқолмаслиги керак. Ҳаё,

андиша, лафз, омонатга хиёнат қилмаслик, ростгўйлик дини ислонимизда ҳам, халқ тушунчасида ҳам мустаҳкам ўрин олиб келган. Улуғ мутафаккирларимиз бу ахлоқий сифатларни ўз асарларининг бош ғояси қилиб белгилаганлар. Шулар асосида Комил инсон ҳақидаги тушунча шаклланган. Яхши, эзгу ахлоқ ҳеч қачон қонунларнинг амал қилиши, бозор иқтисоди ривожига ёки ҳокимиятлар ишининг боришига тўсқинлик қилмайди. Аксинча, фозиллик, ақлу фаросат, покиза ахлоқ умумий таракқиётга ёрдам беради.

Зеро, Ғарб оламидан келаётган бундай вайронкор ғоялардан нафақат алоҳида одамлар, балки бутун миллатлар ҳаёти емирилади ва одамларимиз шундай ғояни олиб келиб сингдирганлар учун тайёр қуролга, “тараққий этган” қулга айланади. Афсуски, бундай ғоялар таъсирига берилувчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Ҳолбуки, ота-боболаримиз буни қаттиқ қоралаганлар, инсонийликка зид ҳодиса деб қараганлар. Масалан, маънавиятимиз бобокалони ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларида ҳалоллик, поклик, камтаринлик, ростгўйлик, ҳаё, вафо, ибодат, андиша, тавозеъ, хушсуханлик каби ахлоқий сифатларни улуғлаб таъриф этган.

Мир Алишер Навоий “Маҳбуб ул қулуб” асарида юксак инсоний ахлоқнинг яхлит концепциясини баён этган. Улуғ мутафаккир кибру ҳаво, манманлик, худбинликни кескин рад этади, бунинг ўрнига хуштавозеълик, юксак дид, маърифатга, илмга ошуфталик, ватанпарварликни улуғлайди, эҳсон, садоқат, ҳиммат, саҳийликни инсон шарафи деб таърифлайди. Чунончи, “Аллоҳ сенга қандай яхшилик қилса, сен ҳам бошқаларга шундай яхшилик қил”, деган ҳадисни келтириб, бундай ёзади: “Инсоният боғининг дилписандроқ шажари эҳсондур ва одамийлик қонининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондир”. Чунки исломда кенг тарғиб қилинган “эҳсон” тушунчаси эзгулик билан маънодошдир. Эзгуликка ошиқ қалб эгаси бўлиш улуғ бахт. Навоий: “Эҳсон сифати саодати абад бил, фитна ва офат яъжузи дафъиға садд бил”. Бунинг маъноси қуйидагича: “Эҳсонни абадий саодат сифати деб бил, уни фитна ва офатлар яъжузи (оламни кемиришга тайёр

очофат махлуқлар тимсоли) йўлида девор деб ҳисобла”. Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида келтирилишича, кун чиқар томонда бутун вужуди нафсдан иборат бўлган, учраган жонзотларни кемириб, юртларни вайрон қиладиган махлуқсифат инсонлар яшаркан, Искандар тоғ дарасини девор билан мустаҳкамлаб, аҳолини шу балодан халос этади. Карам, футувват, каноат, ростгўйлик, адолат ҳақида улуғ Навоий ва бошқа мутафаккирларимиз баён этган фикрлар бугунги маънавий тарбия учун қимматли манбадир.

2.2. Глобал цивилизациявий ўзгаришлар шароитида ғоявий таҳдидларнинг инсониятга хавфини ўрганиш

Глобал цивилизациявий миллий маънавиятга ҳам таъсир ўтказади. Бу жараённинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган. “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман.”

Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан ажратилган бўлсин. Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқин қўшни халқларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб борди. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ҳамда унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Бу фарқни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда

хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл – идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало–қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда. Бинобарин, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота – боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур²⁵.

Ёш авлодимизни турли ғоявий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар айна пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, худбинлик ва лоқайдлик, қариндош – уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

Мамлакатимиз раҳбари ҳақли равишда эътироф қилганидек, жаҳон ахборот майдонини тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб – чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб

²⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият, 2008. –Б.

олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад – муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Бугунги мураккаб глобал-цивилизациявий даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоялар ҳамда мафкуралар таъсир этмоқда.

“Глобал-цивилизациявий” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди⁵.

Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти хусусида баҳс-мунозара ҳамон давом этаётган ҳамда бу борада ягона умумий қараш шаклланмаган бўлса-да, гуманитар илмнинг турли соҳаларида, чунончи, ижтимоий фанларда муайян концепция ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, иқтисодиёт фанида диққат-эътибор асосан молиявий глобал-цивилизациявий, глобал трансмиллий корпора-цияларнинг (ТМК) шаклланиши, иқтисодиётнинг минтақавийлашуви, жаҳон миқёсида савдонинг жадаллашуви каби масалаларга қаратилган. Тарихий асарларда эса глобал-цивилизациявий жараёни капитализмнинг кўп асрлик тарақиёт босқичларидан бири сифатида талқин этилади. Сиёсатшуносликда трансмиллийлашув жараёнининг тезлашуви, дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро боқлиқликнинг кучайиши, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида янги умумсайёравий тартибнинг шаклланиши ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилмоқда. Социология маданиятнинг универсаллашуви таъсирида турли мамлакат ва минтақа халқлари турмуш тарзининг яқинлашуви қамда бир хиллашувини тасдиқлайдиган далилларни изламоқда. Ахлоқшунослар XXI асрда дунёда ягона ахлоқ, этика нормалари қарор топишини башорат қилмоқда.

⁵ Мировая экономика и международные отношения, 1998, №1, с.13.

Файласуфлар эса, Кантнинг яхлит абадий дунё ҳамда умумдунёвий ҳукумат ҳақидаги ғоясига таяниб, турли миллат ва халқлар қадриятларининг уйқунлашувини асослашга интилоқда. Маълум бўладики, глобал-цивилизациявийнинг ягона таърифи ҳам, унинг мазмун-моҳиятини акс эттирадиган яхлит концепция ҳам яратилмаган. Шундай бўлса-да, мазкур жараённинг энг умумий жиҳатлари, бизнингча, қуйидагилардан иборат.

Таъкидлаш жоизки, глобал-цивилизациявий жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучи — иқтисодий жиҳатдан юксак тарақий этган мамлакатлар, шунингдек, улар ҳудудида жойлашган трансмиллий корпорациялар ва молиявий марказлардир. Бу давлатлар бутун дунё табиий захираларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлгани боис глобал-цивилизациявий жараёни жаҳонни тўлиқ қамраб олишидан манфаатдор экани сир эмас. Масалан, АҚШ дунё аҳолисининг 5 фоизини ташкил этгани ҳолда, сайёрамиз табиий захираларининг 25 фоизини тасарруф этади.

Ғоявий хуружлар керак

Ғоявий тарбия деганда, инсон иродаси, ғоявий олами, тафаккури ва дунёқарашининг замон талаблари даражасида шаклланишини тушунамиз. Бу борада истиқлол йилларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Биринчидан, янгича таълим-тарбиянинг умумдавлат дастури ишлаб чиқилиб, у ҳаётга жорий этилоқда. Иккинчидан, илдизлари қадим-қадимларга туташ шонли тарихимиз, бебаҳо маънавий-маданий меросимиз манбалари очилиб, улар халққа етказилоқда. Учинчидан, қадимий шаҳарларимиз, обидалар билан бирга халқ руҳияти ҳам қайта тикланди, миллий қадриятлар янги ҳаёт топди. Тўртинчидан, мустақиллик йилларида ватанимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, янги қурилишлар, обод кўчалар, саройлар, боғлар барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси халқ ифтихори бўлиб, унинг қалби ва руҳини юксалтироқда, умид-орзуларига қанот бермоқда. Демак, ғоявий тарбия учун барча шарт-шароит мавжуд.

Ғоявий тарбия кенг кўламли, чуқур маъноли тушунчадир. Бунда адабиёт, санъат турлари, тарихий анъаналар, мумтоз фалсафа, халқ ижоди,

авлодлар тажрибаси, яхши удумлар, одатларнинг биргаликдаги иштироки назарда тутилади. Албатта, умуминсоний қадриятлар ҳамма учун баробар. Ҳамма ерда ҳам инсон ахлоқи, унинг камолоти учун кураш давом этади. Бироқ, бунда қадимий анъаналарга содиқликни, миллий менталитетни, халқнинг ўзига хос хислатларини ҳисобга олиш зарур. Халқ ўзлигини сақламаса, энг улуғ ва энг азиз қадрият – мустақиллик хавф остида қолади. Шу маънода, «ғоявий комиллик» тушунчаси «ватанпарварлик», «элсеварлик», «миллий ғурур» тушунчалари билан узвий алоқада олиб қаралиши керак. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, жамиятимиз тараққий этиб борган сари ёшларимиз дунёқарашини ўзгартириб юбориш, ғоявий тарбияни издан чиқаришга уринишлар бўлмоқда. Бу ҳолатлар, бизнинг фикримизча, қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

1. Ёт ғояларни тарғиб қилиш. Космополитизм, нигилизм, экстремизм, терроризм ва шафқатсиз индивидуализм каби халқимизга ёт ғоялар турли воситалар билан тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Мисол учун, *космополитизм* ғоясини олайлик. Унга кўра, дунё халқлари миллат ёки этник таркибга эга бўлмасдан, умумий бир руҳда яшаши лозим эмиш.

Инсоннинг “умумий руҳ”да яшаши яхши. Бироқ, миллатни, демакки, ўзликни унутишга даъват ғоят манфур ниятдир. Чунки миллат бу — инсоннинг насл-насаби, ўзлиги ва ғоявий дунёсини пок сақловчи бирликдир. Миллат сифатида яшаш маданиятли бўлишга олиб келади ва унинг умуминсоний қадриятлар ривожига салбий таъсири йўқ. Аксинча, миллат сифатида яшайдиган халқ ўзи ва ўзганинг қадрига этади. Бундан фарқли ўлароқ, космополитизм ғояси кишини ўзлигидан айириб, насл-насабсиз бир кишига айлантириб қўяди.

2. Менталитетга хос бўлмаган одатларни тарғиб қилиш. Кейинги вақтларда телевидение, радио ва интернет саҳифалари орқали халқимиз турмуш тарзига ёт бўлган турли одатлар тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Мисол учун, оила қуриш одатини олайлик. Эмишки, оила қуришда ёшлар обдон

бир-бирини синашлари, иложи бўлса, маълум муддат бирга яшашлари лозим эмиш. Бу фоҳишабозликнинг кўринишларидан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун ҳам Ғарбда фоҳишабозлик авж олган. Мисол учун, “Гардиан” газетасининг эътироф этишича, Буюк Британияда фоҳишабозлик билан шуғулланувчи эркаклар йилига ўртача 10.000 фунт стерлинг, аёллар 18.530 фунт стерлинг ишлашади. 30-40 ёшлардаги эркаклар эса йилига ўртача 24.800 фунт стерлинг, аёллар эса 34.200 фунт стерлинг ишлашар экан²⁶. Эътибор беринг, танасини сотиб бойлик орттириш ва буни маданият кўриниши деб ҳисоблаш Ғарб кишиси учун оддий ҳолдир. Ваҳолангки, бизда ёшларнинг бир-бирини синашига имкон берилади ва у одоб-ахлоқ доирасида кечади. Никоҳсиз қиз ва йигитнинг учрашиб юриши айб саналади.

3. Ёшлар дунёқарашини бузишга интилиш. Халқимизнинг нисбатан кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Шу сабабли улар бизнинг олтин омилимиз ҳисобланади. Афсуски, баъзида Ғарб оламининг ёшларимиз дунёқарашини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатини сезиб қоламиз. Ўз Ватанини ёмон кўрсатиш, ўтмишга нисбатан беписандлик руҳини қарор топтириш, давлат ва жамиятга нисбатан ишонсизлик уйғотиш — ёшлар дунёқарашини бузишга қаратилган ғоялардир. Бунинг акси ўлароқ, Ғарб ҳаёти худди жаннатдек кўкларга кўтариб мақталмоқда.

Бу омилларнинг барчаси жамиятимизда изчил ғоявий тарбияни йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки истиқлол йилларига келиб, ўзбек кишиси бугун бошини баланд кўтариб, дунё бўйлаб ўзини намоён этмоқда. Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғулари Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғулари билан қўшилиб, маънавиятимиз асосини белгиламоқда. Кўп минг йиллик тарихга эга маънавиятимизни тиклаш баробарида биз умумбашарий ғоявий қадриятларни ҳам бажонидил қабул қиламиз. Зеро, дунёда бирор халқ, бирор мамлакат ўз қобиғига ўралиб яшай олмайди. Ўзбек халқи миллий анъаналарига содиқ, айна пайтда, у дунёдаги илғор, ҳаётни гўзал қилувчи,

²⁶ “Гардиан”, BBC Riggion. Com. 23.01.2006

инсонни юксалтирувчи ғояларни, илм-маърифатни ўзлаштириб келган. Биз қадимдан Юнонистон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Россия билан илмий-маданий ҳамкорликда, алоқада бўлиб келганмиз. Ҳозир ҳам дунё илм-фани ютуқларини эгаллашга бўлган иштиёқ бизда тобора ортмоқда. Ёшларимиз тараққий этган мамлакатларга бориб ўқишмоқдалар, Европа, Америка, Япония, Корея тadbиркорлари, ўқув юртлири билан узвий алоқа ўрнатилиши ижобий самара бермоқда. Жумладан, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришда ҳам биз ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянамиз. Эркинлик, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, эркин ва умумхалқ сайловларини ўтказиш, сўз эркинлигини таъминлаш, ҳокимиятлараро назорат ва жамоатчилик назорати каби тамойиллар бизда жорий этилганини жаҳон ҳамжамияти кўриб турибди.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида кўпгина Ғарб мамлакатларида ғоявий бузғунчилик (палапартиш жинсий муносабатлар, гиёҳвандлик, никоҳсиз оила, оммавий беҳаё клиппар, ахлоқсизлик, куч ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар ва бошқалар) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Бу жараённинг чуқурлашуви, даҳшатли тус олаётгани Ғарб олимлари, махсус марказ ҳамда ОАВ томонидан амалга оширилган кўплаб тадқиқот натижаларида акс эттирилган.

Масалан, бир гуруҳ америкалик олимлар амалга оширган тадқиқот натижасига кўра, тартибсиз жинсий ҳаёт кечираётган ўсмирларнинг 30 фоизи бахтсизлиги, умидсизлиги, ҳаётдан қониқмаслигини тан олган. Уларнинг маълум қисми жинсий хасталикка учраган, бошқалари эса чуқур руҳий тушкунлик ҳолатига тушиб қолган. Шунингдек, тадқиқотда америкалик ўсмирларнинг жинсий фаоллиги даражасининг юқорилиги, жинояткорона ҳаракатлар, яъни автомашиналарни олиб қочиш, ўғирлик, зўравонлик, вандализм каби ҳолатлар билан боғлиқлиги аниқланган.

Бугунги воқелик ҳар қандай давлат олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда. Ахборот хавфсизлигини

таъминлаш масаласининг дунё миқёсида қизгин муҳокама қилинаётгани ҳам бежиз эмас. Ўз тараққиётининг мураккаб, ўтиш босқичини бошидан кечираётган мамлакатлар учун бу муаммо алоҳида долзарблик касб этади. Чунки мамлакат манфаатларига зид ахборот хуружлари бу мамлакатлар учун айниқса хавfli ва ҳалокатли тус олади. Айтиш мумкинки, маданий-ғоявий хуружлар мустақил давлатларнинг заифлашувига олиб келади. Ана шундай таҳликали дунёда миллий мафкура давлатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш, маданий ўзига хосликни асраш ва ахборот хуружларидан ҳимояланиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маданий-ғоявий экспансияга қарши кураш қатор ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни, шунинг-дек, тарбиявий чоралар кўришни талаб этади. Бунга эришишнинг муҳим усули — фуқароларнинг ахборот маданиятини юксалтириш, яъни уларда ахборотни саралаш ва ундан онгли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ. Муҳими, инсонларни ахборотни тўғри идрок этишга тайёрлаш лозим. Яъни, ҳар бир шахс маълум ахборотнинг фойдали ёки зарарли эканини ажратиб оладиган мезонларни ишлаб чиқиши, маълум ахборотнинг ўз профессионал фаолияти ва шахсий ҳаёти учун кадр-қимматини баҳолаш кўникмасига эга бўлиши зарур. Бошқача айтганда, инсонларнинг онгида ахборотларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратадиган “фильтр”ларнинг бўлиши ахборот хавф-сизлигини кафолатловчи муҳим омил саналади.

Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш стонасида” асрида таъкидлагани каби, “Ажойиб маданий анъаналар соҳиби бўлган халқимизни ғоявий айнаш ва қўпол пасткашлиқдан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қатъий чоралар кўриш керак.

Маданиятнинг моддий базасига назар солсак, уялиб ерга кириб кетгудек бўламиз. Ҳдмонки, жамият маданиятга ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан

сарик чақа сарфлаётган экан, вужудидан юксак ички маданият нурдек таралиб турган одам-ни тарбиялаши мумкинми?²⁷

Аксилмаданиятни вужудга келтирган асосий сабаб балки Ғарбдаги маънавият инқирозидир. Оммавий маданият бир қаноти билан умумий профессионал савияси орқали мумтоз маданиятга яқинлашса, иккинчи қаноти билан кўпинча авом, оломон дидига мослашганлиги, саёзлиги ва диднинг пастлиги туфайли аксилмаданиятга яқинлашиб бораётир.

Ғарбона маданият минг йиллардан буён шаклланган, қон-қонимизга сингиб кетган ахлоқий қадриятларга зид бўлгани учун ҳам халқимиз томонидан қабул қилинмайди. Аммо ҳали ҳаётининг позицияси шаклланиб улгурмаган ёшларимиз ҳақида бу гапларни айтиш қийин. Чунки уларда мана шу ёт ғояларга нисбатан ижтимоий иммунитет шаклланмаган. Миллий ғоя, истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти ёшларимизда, жамиятимизнинг бошқа аъзоларида ана шу кўникмани пайдо қилиш, уларда миллий меросга, қадриятларга садоқатни барқарор қилиш, миллатнинг маданияти ташувчиларига айлантиришдан иборатдир. Улар нафақат ғоявий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам кучли, бақувват бўлмоғи керак. Ўзбекистон раҳбари юртимиз спортчилари билан учрашувда “ҳеч бир халқнинг қудрати, машҳурлиги, буюклиги, халқаро обрў-эътибори ундаги тўпларнинг ёки қурол яроғларнинг сони билан ўлчанмайди, уларни, авваламбор, миллатнинг соғлиғи, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчанади”, деганида комил инсонда ана шу икки жиҳат барқарор бўлишини назарда тутган эди.

Муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли ғоявий-мафкуравий таъсирлар, турли шаклдаги тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият мажмуи мафкуравий сиёсатдир.

Мафкуравий сиёсатни ғоявий вазифаларни амалга ошириш учун бўлган ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазифалар муайян мамлакат ёки

²⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш стонасида -Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б. 222

халқнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий ва дипломатик алоқалардаги маъқеи, тараққиёт даражаси каби қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Масалан, мустақил Ўзбекистон шароитида миллий ғояни яратиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масаласи ғоят долзарб муаммолар қаторига киради. Чунки инсон онги ва тафаккури билан боғлиқ, унинг маънавий ва маърифий даражасини белгилайдиган омиллар ҳисобга олинмас экан, ислоҳотлар асло самара бермайди.

Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбушга келтирадиган поп ва рок мусиқага махлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз қўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз Ғарб эстрадасининг “юлдуз”ларигина эмас, ҳатто “юлдузча”ларининг ҳам исми-шарифи, ҳаётий кечинмаларини беш қўлдай билади, аммо “Шашмақом”дан биргина куйнинг номини сўрасангиз ёхуд Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий каби улўғ аждодларимиз жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз, ер чизиб тураверди. Афсуски, маданий ҳаётдаги айрим ноқисликлар, хусусан, театрларимизда қўйилаётган спектакллар савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамизда ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани, газета дўконларини кўплаб олди-қочди нашрлар босиб кетаётганини ҳам ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир этади, деб бўлмайди.

Шу боис ёшлар онгида Ватанга садоқат, аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросга, миллий, хусусан, оилавий қадриятларга юксак ҳурмат туйғуларини шакллантириш учун ҳали кўп иш қилиш лозим. Айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга жисмоний-тиббий жиҳатдан тайёрлаш билан бир қаторда, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оила иқтисодиёти, маданияти, психологиясидан сабоқ бериш, бу борада илмий муассасалар, олий ўқув юртлари олим ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари

имкониятларидан самарали фойдаланиш даркор. Биринчидан, миллионлаб аудиторияга эга марказий ва маҳаллий кабель телевидениесида “Оила университети” рукнида оилавий ҳаётнинг барча жабҳаларини камраб олган жонли, ҳаётӣ кўрсатувлар доимий равишда кўрсатиб борилса, етук олим ҳамда мутахассислар томонидан ёшларнинг манфаат ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда лўнда, тушунарли тилда ёзилган, шаклан ва мазмунан мукамал кичик-кичик рисоалар, маълумотнома, буклетларни нашр этиш йўлга қўйилса, айна муддао бўлур эди.

Иккинчидан, ёшларнинг балоғат ёши айнан ўқиш даврига тўғри келишини эътиборга олиб, уларнинг жинсий тарбияси, оилавий ҳаётга тарбиялаш жараёнида ота-она билан биргаликда муаллимлар шахсияти ва шахсий намунаси ғоят муҳим аҳамият касб этади. Сирасини айтганда, мактаб, лицей ёки коллеж учун янги бино қуриш, уни замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш мумкин, аммо ўқитишда сифат ўзгаришларига эришмасдан, юксак малакали, касбини жон-дили билан севган фидойи муаллимларни тайёрламасдан кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бизнингча, педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг замонавий талаблар асосида дунёдаги вазият шиддат билан ўзгараётгани, мамлакатимизга нисбатан ғоявий-мафкуравий тазйиқ тобора кучайиб бораётгани, ғарбона турмуш тарзи ва қадриятларни сингдиришга интилиш яққол кўзга ташланаётганини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилиши, шу мақсадга йўналтирилиши лозим.

Учинчидан, фарзандлар таълим-тарбияси борасида фақат ота-она ва ўқув юртигина эмас, балки маҳалла-кўй ҳамда кенг жамоатчилик масъулияти ҳам оширилиши шарт. Айрим ёшларимизнинг ақидапа-растлар таъсирига берилаётгани, гиёҳвандлик ва жиноятчилик йўлига кириб қолаётгани, оилавий ҳаётга масъулиятсизлик билан ёндашаётгани, таълим-тарбия жараёнида жиддий нуқсонлар мавжудлиги, ўқув юрти, ота-она, кенг жамоатчилик, сайловлар пайтидагина жонланиб қоладиган сиёсий партиялар, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган ташкилотлар фаолиятидаги номуво-фиқликдан, улар ўртасида изчил ва самарали ҳамкорлик яхши йўлга

кўйилмаганидан дарак беради. Бизнингча, тадбирбозлик ва ваъзхонлик амалиётидан воз кечиб, мамлакат миқёсида миллий ғоя концепциясига таянган ҳолда ҳамда ёшлар таълим-тарбиясига алоқадор ташкилот ва муассасалар фаолиятини уйғунлаштиришни назарда тутган умуммиллий ҳаракат дастурининг яратилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши юқорида тилга олинган муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашган бўлур эди.

Учинчи ва тўртинчи йўналиш — қизларни оналикка, она бўлишга алоҳида тайёрлаш ва бир ёшгача бўлган болаларни вояга етказиш масаласи. Сўнгги вақтда бу борада кўзга ташланаётган муаммолар, чунончи, балоғат ёшига етмаган қизларни турмушга узатиш ҳоллари, никоҳдан ташқари туғилаётган гўдақлар, айрим оналар боласидан воз кечиб, тегишли давлат муассасаларига ташлаб кетаётгани, қишлоқ жойларда оналик ва болаликни муҳофаза этишда мавжуд камчиликлар мазкур масалага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Президент Ислом Каримов маърузасида таъкидланганидек, бу борадаги вазиятни ўнглаш учун, биринчи галда, халқимизнинг азалий анъаналари ва аср-лар мобайнида тўплаган тажрибасига таяниб иш юритиш, иккинчидан, тиббиётимизнинг патронаж — кузатув хизмати имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш даркор. Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли минтақаларида, хусусан, Фарғона водийси, жанубий ва шимолий вилоятларда Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтининг филиал ва бўлимларининг ташкил этилиши, бу соҳада тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши эндигина дунё юзини кўрган гўдақлар ва кўзи ёриган аёлларимизга юқори малакали хизмат кўрсатиш, уларнинг саломатлигини мус-таҳкамлаш, маданий савиясининг ошишига хизмат қилмоқда.

Бешинчи йўналиш — бир ёшдан олти-етти ёшгача бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратилиш зарурати. Ушбу масала бўйича асосий ғояни Юртбошимиз қуйидагича баён этади: “Инсон тўқсонга кирадими, юзгами, буни фақат Аллоҳ билади. Худо қанча умр берган бўлса, шунча яшайди.

Лекин фанда илмий асосланган шундай тушунча борки, инсон бутун умри давомида оладиган ахборот ҳажмини юз фоиз деб ҳисобласак, олти-етти ёшгача олган информацияси унинг эллик фоизидан кўпроғини ташкил қилар экан. Шу ҳақиқатни ҳар бир оилага, ҳар бир ота-онага тушунтириб бера олсак, жуда катта ишни амалга оширган бўламиз”²⁸.

Дарҳақиқат, агар Германия, АҚШ, Франция, Англия, Япония сингари ривожланган мамлакатлар эришган ютуқларни кўз олдимизга келтирсак, уларнинг замирида шубҳасиз болаларнинг барвақт ўсиб-улғайиши, иқтисодий, ижтимоий ва руҳий жиҳатдан мустақил бўлиши, имкон даражасида кўпроқ маълумот олишига хизмат қиладиган тарбия тизими шакллантирилган.

Шарқда, чунончи, юртимизда ҳам фарзандларнинг эртароқ савод чиқариши, илму маърифатга ошно бўлишига жиддий эътибор қаратилган. Аксарият ўғил-қизлар балоғат ёшига етгунга қадар Қуръону каримни ёд олган, илмий ва бадиий адабиёт намуналари билан таништирилган. Шу боис жаҳон маданий-маърифий тараққиётига улкан ҳисса қўшган кўплаб Шарқу Фарб алломалари, шоиру фузалоларининг беқиёс истеъдоди жуда эрта кўзга ташлангани бежиз эмас. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Александр Пушкин, Вольфганг Амадей Моцарт, Вольфганг Гёте, Иммануил Кант сингари буюк даҳоларнинг Парвардигор ато этган қобилияти куртаклари болалик чоғидаёқ ёрқин намоён бўлган. Масалан, Моцарт дастлабки концертини тўрт ёшида, Лондон консерваториясида ижро этилган илк симфониясини эса етти ёшида ёзган. Гёте болалик давридаёқ атрофдагиларни ноёб қобилияти, зеҳни билан лол қолдирган. Мирзо Бедил дастлабки рубоийларини олти ёшида ёзган экан. Мавжуд маълумотларга кўра, ҳазрат Навоий беш ёшидаёқ Фаридиддин

²⁸ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 435-бет.

Атторнинг “Қуш тили” достонини ёд олган, илк ғазаллари ҳам шу даврда ёзилган экан.

Таъкидлаш жоизки, барча улуғ алломаларимиз, олиму фузалоларимиз асарларида мазкур масала ниҳоятда катта аҳамият касб этиши қайта-қайта уқтирилган. Масалан, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлониининг таъкидлашича, “Эмди очуқ маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантирмак, фикримизни нурлантурмак, ахлоқимизни гўзаллантурмак, зехнимизни равшанлантурмак лозим экан”²⁹.

Афсуски, мустабид тузум даврида халқимизнинг унутилаёзган кўп асрлик тарихи, анъана ва қадриятларидан, бебаҳо ижтимоий-фалсафий ҳамда маънавий мероси истиклол туфайли қайта тикланиб, баркамол авлод тарбиясига хизмат қилиб келмоқда. Бироқ, ўтиш даврининг дастлабки босқичларига хос айрим қийинчиликлар туфайли фарзандлар тарбиясига эътибор сусайгандек бўлди. Президент Ислон Каримовнинг зикр этилган маърузасида бу ҳолат қуйидагича изоҳланади: “...биз бола олти-етти ёшга киргунча унинг тарбияси билан мутлақо қизиқмаймиз. Эргаштириб пахта даласига олиб чиқамиз. У чанг ютиб, пайкалда пилдираб юради. Қандай ўтиради, қандай туради, қай аҳволда овқатланади, нималарга интилади, нималарга қизиқади, қандай ривожланади — афсуски, бу билан ишимиз бўлмайди. Шундай вазиятда у қандай қилиб керакли бир ахборотни олсин? Қандай қилиб, унда фикрлаш қобилияти тадрижий ривожланиб борсин?.. Ахборот олишни орзиқиб кутиб турган, бетўхтов ўсаётган бир пайтда болага, афсуски, биз кўпинча ҳеч нарса беролмаймиз”³⁰.

²⁹ Абдулла Авлони. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: “Маънавият”, 1998. — 37-бет.

³⁰ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. — 435-бет.

ХУЛОСА

Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келди.

Биз ўта мураккаб, зиддиятларга тўла ахборот асрида яшаймиз. Бугун истаган одам дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими ёки дунёнинг исталган бурчагидаги воқеа-ҳодиса ҳақида ОАВ орқали ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Албатта, унинг кишилар дунёқарashi, билими ва савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, худди шу тизим орқали аниқ ғоявий мақсадларга қаратилган, маънавий-ахлоқий меъёрларга зид порносайтлар ўрин олгани, ушбу замонавий ахборот технологияси маҳсулидан трансмиллий жинояткорона гуруҳлар, террорист ва ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганини кўздан қочириб бўлмайди. Бугун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам махсус антенналар воситасида хорижий мамлакатлар телевидениесида шарқона ахлоқ-одобга зид фильмлар, бепарда кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари шаклланиши, уларнинг илм-маърифатга рағбати пасайса пасаядики, ошмайди.

Бугун ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбушга келтирадиган поп ва рок-музиқага маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз қўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор музикавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз ғарб эстрадасининг “юлдуз”ларигина эмас, ҳатто “юлдузча”ларининг ҳам исми-шарифи, ҳаётий кечинмаларини беш қўлдай билади, аммо “Шашмақом”дан биргина куйнинг номини сўрангиз ёхуд Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср

Форобий, ал-Хоразмий каби улуғ аждодларимиз жаҳон илм-фан ва маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз, ер чизиб туравереди. Афсуски, маданий ҳаётдаги айрим ноқисликлар, хусусан, театрларимизда қўйилаётган спектакллар савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамизда ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани, газета дўконларини кўплаб олди-қочди нашрлар босиб кетаётгани ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади деб бўлмайди.

Бизнингча, “оммавий маданият” кўринишида намоён бўлаётган ғоявий таҳдидларга қарши курашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, ғоявий тарбия тизимида ўқитиш ва тарғиботнинг янги, изчил ва самарали услублари жорий этилиши даркор. Сирасини айтганда, ёшлар онгу тафаккури шаклланадиган мактаб, лицей ёки коллеж учун янги бино қуриш, уни замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш мумкин, аммо ўқитишда сифат ўзгаришларига эришмасдан, юксак малакали, касбини жони дили билан севган, фидойи, ғоявий ва маънавий саводли муаллимларни тайёрламасдан, кўзланган мақсадларга эришиш қийин. Бизнингча, педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг ғоявий курашчанлик талаблари асосида такомиллаштирилиши ана шу мақсадга йўналтирилиши лозим.

Иккинчидан, ёшларни ғоявий тарбиялаш борасида фақат ўқув юртинигина эмас, ота-она, маҳалла-қўй ва кенг жамоатчилик масъулияти ҳам оширилиши шарт. Айрим ёшларимизнинг ақидапарастлар таъсирига берилаётгани, гиёҳвандлик ва жинойтчилик йўлига кириб қолаётгани, оммавий маданият таъсирларига берилиши ғоявий таълим-тарбия жараёнида камчиликлар мавжудлиги, ўқув юрти, ота-она, кенг жамоатчилик, сайловлар пайтидагина жонланиб қоладиган сиёсий партиялар, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган ташкилотлар фаолиятидаги номувофиқликдан, улар ўртасида изчил ва самарали ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганидан дарак беради. Бизнингча, тадбирбозлик ва ваъзхонлик амалиётидан воз кечиб, мамлакат миқёсида миллий истиқлол қояси концепциясига таянган ҳолда ҳамда

ёшларнинг ғоявий тарбияси, маънавий қиёфасига алоқадор ташкилот ва муассасалар фаолиятини уйқунлаштиришни назарда тутган умуммиллий ҳаракат дастурининг яратилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши юқорида тилга олинган муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашган бўлур эди.

Учинчидан, биз ахборот асри, мафкуравий тўқнашувлар кучайган, Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, “маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсири” доимий равишда сезилиб турган даврда яшаётган эканмиз, аввало, ёшлар онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун уларда ташқи қоявий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қиладиган мустаҳкам иммунитет шакллантирилиши лозим. Бунинг учун эса ёшларимиз эркин, мустақил фикр юритадиган, иймон-эътиқодли, ақл-заковатли, иродаси мустаҳкам, билимли ва доно бўлиши, ўз юртининг тарихи, миллий қадриятлари, буюк аجدодлари қолдирган бебаҳо илмий- маънавий меросни онги ва қалбига жо этмоғи даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. —Т.: Ўзбекистон, 2011. 40 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, —Т.: Ўзбекистон, 1996. 364 б.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1996. 380 б.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1996. 366 б.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд, — Т.: Ўзбекистон, 1996. 349 б.
6. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1997. 384 б.
7. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, —Т.: Ўзбекистон, 1998. 429 б.
8. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 410 б.
9. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд, — Т.: Ўзбекистон, 2000. 528 б.
10. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, —Т.: Ўзбекистон, 2001. 432 б.
11. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, —Т.: Ўзбекистон, 2002. 432 б.
12. Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд, — Т.: Ўзбекистон, 2003. 320 б.
13. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. 12-жилд, —Т.: Ўзбекистон, 2004. 400 б.
14. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. 13-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 448 б.

15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2006. 280 б.
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2007. 320 б.
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида 16-жилд – Т.: Ўзбекистон, 2008. 368 б.
18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз. 17-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. 18-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 278 б.
20. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 360 б.
21. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008. 176 б.
22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 56 б.
23. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маъруза, 2007 йил 30 август.
24. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси, 2010 йил 27 январь.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи, 2010 йил 22 сентябрь.
26. “Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир”. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2010 йил 7 декабрь.
27. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 56 б.
28. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. 2011 йил 21 январь.
29. Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. 440 б.
30. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: “Маънавият”, 1998. — 37-бет.
31. Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развитию? —М.: «Новый век», 2002, —с. 64.
32. Бегматов А. Миллий минталитет ва раҳбар маънавияти. – Т., 2003;
33. Бердяев Н.А. Царство духа и царство кесаря. –М.: Республика, 1995. – С.35.
34. Бжежинский З. Великая шахматная доска. Господство Америка и геостратегические императивы – М., 1998. С. 38.
35. Бжежинский З. Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. М.: Аст, 2004;
36. Гардиан, BBC Riggion. Com. 23.01.2006
37. Даль Р. О. Демократии. — М., 2000, с. 8-92.
38. Доклад о мировом развитии 2000/2001 года. // Борьба с бедностью. Вашингтон, 2001, с. 3.

39. Закария Ф. Будущее свободы: нелиберальная демократия в США и за ее пределами. —М., 2004, с. 8.
40. Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999 й.
41. Йўлчиева Г. Маҳаллада ёш авлод тарбияси... “Маҳалла” г., 2009 йил, 15 апрель.
42. Каримбекова Г. Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида ёшлар тарбияси ва бағрикенглик масалалари. /Ёшлар тарбиясида толерантлик – давр талаби (Республика илмий-амалий анжуман материаллари). -Т., 2008.
43. Комил инсон - миллат келажаги/ Н. Комилов. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 47 б.
44. Комиллик ўғитлари/ Тузувчилар: М.Х.Саидов, З.Т.Тоҳиров; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси "Устоз" жамғармаси. - Тошкент: Молия, 2003. - 96 б.
45. Комилов Н. Бағрикенглик – умуминсоний фазилат // Фермер. 2-сон, 2008 йил. 44-бет.
46. Комилов Н. Тасаввуф. I–II китоб. Т., 2003;
47. Комилов Н., Комил инсон – миллат келажаги. Т.:Ўзбекистон, 2001.
48. Лейпхарт А. Демократия многосоставных обществах. — М., 1997;
49. Личность в XX столетии: Анализ буржуазных теорий. —М.: «Мысль», 1979, —с. 175-176.
50. Личность в XX столетии: Анализ буржуазных теорий. —М.: «Мысль», 1979, —с. 175-176.
51. Маҳмудбеков Ш.Оила ва маҳалла – миллий қадриятлар маскани, тарбия ўчоғи. –Т.:Республика “Оила” илмий-амалий маркази, 1999.
52. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 йил –Б 800;
53. Мировая экономика и международные отношения, 1998, №1, с.13.
54. Мусурмонова О. Оила маънавияти - миллий ғурур. –Т.: Республика "Оила" илмий-амалий маркази, 1998.

55. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Т., 2002;
56. Назаров Қ., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. –Т, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ. 2007.
57. Нашей версии. Пресс-конференция на тему «торговля людьми» 24.11.2008. РИА новости. [www. rian.ru](http://www.rian.ru)
58. Отамуратов, С. Маънавият асослари: Маърузалар матни - Т., 2000. - 227 б.
59. Пахрутдинов Ш., Жўраев Т. ва бошқалар. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ. 2008.
60. Просто пишем о среде. Экологический альманах. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, с. 13-17.
61. Россия и современный мир. 2001, № 1, с. 207.
62. США. Канада, 2000 йил, № 12, с.65.
63. Таранов П. Энциклопедия высокого ума. М., 1999, с.16.
64. Тимоти Уинтер (Абдул Ҳаким Мурод) “XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш” Фаҳриддин Низомов таржимаси. –Т.: 2004. 63 б.-
65. Удовик С. Л. Глобализация. Семиотические подходы. —М.: Рефл-бук, 2002. —с. 317.
66. Умаров Б.З. Глобал-цивилизациявий зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2008 йил.
67. Умарова Н. Глобал-цивилизациявий шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. -Т.: Академия, 2005.-103 б
68. Ценности, которые мы защищаем, перемены к которым мы стремимся. Социальная справедливость в условиях глобализации экономики. Доклад Генерального директора МОТ. 81-сессия, Женева, 1994, с. 15.
69. Эркаев, А. Маънавият ва иқтисодиёт/ А.Эркаев. - Қарши: Насаф, 2000. - 32 б.
70. Это с глобального мира. М., 1999, с. 12.
71. Юсупов Р. Маҳалладан “Камолот”гача. “Маҳалла”, газ., 2009 йил, 6 май.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида ПҚ-805 сонли қарори. Халқ сўзи. 2008 йил. 1 март.
73. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: “Наврўз”, 2005. — 252-бет.
74. Ўзбекистонда маънавий юксалиш –демократик жамият қуришнинг муҳим омили. Т.: ЎЗМУ, 2002.
75. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси.-Т.: Академия, 2008, -Б.31.
76. Ҳайдаров С. Эзгу кадриятлар ифодаси. “Маҳалла”, газ., 2009 йил, 18 март.
77. Sholte J. Rethinkind Globalization. London, 2000, p .14.
78. Transfomation of Capitalizm. Ekonomy, Socciety and State in Modern Times. London, 2000, p. 419.
79. The Worl in 2020, Power and Prosperity. — Boston, 1994, p. 220.
80. Stalker P. Travailleuts sans frontieress // Travail. Geneve, 2000, № 34, с. 4.
81. Fromm E. The anatomy of Human Destructiveness. –L. P. 219.
82. The Global Economy in Transition. L., 1996, p.374.